Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 26 ОКТЯБРЬ, сешанба, № 80 (6.036). Сотувда эркин нархда

2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

***

1999 йил 5 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар куни

ҲАЛОЛ МЕҲНАТИНГИЗНИНГ РОҲАТИНИ КЎРИНГ!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Барчангизни она-Ватан хирмонига 250 минг тонна пахта топшириб, шартнома режасини бажарганингиз билан чин дилдан муборакбод этаман.

Сизнинг бу меҳнат зафарингиз, авваламбор, орият, мардлик ва лафзи ҳалолликни фазлу одат қилган Самарқанд халқига, айниқса унинг ерга кўнгил берган заҳматкаш пахтакорига хос меҳр-оқибат, фидойилик самарасидир.

Меҳр қўйган даласидан ҳамиша мадад, куч-қудрат топган асл деҳқон ўз тақдирини, фарзандлари келажагини ва юрт истиқболини табаррук она-ер саҳовати билан боғлаб яшайди.

Самарқандликларнинг бу меҳнат зафари вилоятда деҳқоннинг меҳнатига, ерга ва мулкка муносабатда янгича қарашлар тобора мустаҳкам қарор топаётганидан, ташаббус, изланиш ва тадбиркорлик турмуш тарзига айланиб бораётганидан далолат.

Ўз иззатини билган одам меҳнатининг ҳам қадрига етади. Мамлакат пахта хирмонига яна 25 минг тонна ҳосил топширишга бел боғлаганингиз бунинг исботидир.

Қадрли ҳамюртларим!

Меҳнат зафарингиз яна бир бор муборак бўлсин у ҳар бирингизнинг рўзғорингизга тўкинлик, қут-барака келтирсин.

Барчангизга соғлиқ-саломатлик, тинчлик-омонлик, эзгу ишларингизда омад тилайман.

Парвардигорнинг ўзи сизларни ҳамиша қўлласин.

Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Самарқанд вилояти миришкорлари пахта тайёрлаш шартнома топшириғини муваффақиятли бажарди. Улар 250 минг тонналик оқ олтин хирмони уйди. Ўртача ҳосилдорлик 25,7 центнерга етди. Пахтанинг 90 фоиздан кўпроғи юқори навларга қабул қилинди.

Эришилган галабага Нарпай, Пахтачи, Ғузалкент, Пастдарғом, Оқдарё, Жомбой, Нуробод туманлари муносиб улуш қўшди. Юзлаб бригада ва фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 40—45 центнерни ташкил этди.

Вилоятда йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Пахтакорлар ўз имкониятларини чамалаб режага қўшимча 25 минг тонна ҳосил топширишга аҳд қилдилар.

З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг ЕХҲТкам сонли миллатлар иши бўйича олий комиссари Макс Ван Дер Стулни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХҲТ вакилини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг вазифаси қамраган соҳа ғоят муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, дунёнинг айрим минтақаларида миллатлар ва элатлараро муносабатлар танг аҳволда. Айниқса, 90-йиллар бошида собиқ Югославия заминида ташкил топган янги давлатлардаги вазият ғоят мураккаблашган эди. Шу ҳисобга олинган ҳолда, 1992 йили ЕХҲТ қошида кам сонли миллатлар иши билан шуғулланувчи комиссарлик ташкил этилган эди. Бу орган фаолияти жойларда миллатлар ёки элатлараро низолар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат вакили яшайди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг барчаси қандай миллатга мансублиги, қайси динга эътиқод қилиши, қандай сиёсий қарашларга эга эканлигидан қатъий назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Бу асосий қонун — Конституцияда қатъий белгилаб қўйилган. Оддий мисол сифатида Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларнинг кўплаб миллий-маданий марказлари кенг фаолият юритаётганини келтириш мумкин. Мазкур марказлар нисбатан кам сонли миллатларнинг анъаналари, маданияти ва санъатини тарғиб этиш билан бирга, мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

ЕХҲТ олий комиссарининг Ўзбекистонга ташрифдан кўзлаган мақсади ҳам бу борада юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ишлар, мамлакатимизда яшовчи турли миллатларнинг маданий марказлари фаолияти билан танишишдан иборат.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

МАЪНАВИЙ БОЙ КИШИЛАР САЙЛАНАДИ

Мамлакат парламенти ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар юртимизда демократик жараёнлар шитоб билан кечаётган бир даврга тўғри келмоқда.

Шу ўринда бироз лирик чекиниш қилмоқчиман. Шўро даврини бир эслайлик. Юқоридан, «чўпондан бир киши вилоятга, бригадирдан икки киши туманга, хотин-қизлардан фалон кенгашга шунча киши «сайлансин» деган кўрсатмалар бериларди. Ана шу кўрсатма асосида кўр-кўрона равишда номзодларга овоз бериб келардик. Эсласангиз ҳам кулгингиз қистайди, ҳам ғашингизга тегади. Ҳатто шундай ҳоллар ҳам бўлардики, сайлов қоғозини бир киши йиғиб олиб, бир даста бюллетенларни ҳаммасини ўзича кутига ташларди. Сайлов расмиятчилик учун ўтказиларди.

Энди эса сайлов ҳам, сайловчилар ва сайланувчиларнинг фикри ҳам узгача. Мустақиллигимиз берган неъмат туфайли сайловларимиз ҳақиқий демократик тамойиллар асосида ўтмоқда. Бир ўринга турли партиялар, ташаббускор гуруҳлар томонидан муқобиллик асосида номзодлар кўрсатиляпти.

Энди сайланадиган кишилар буюк келажак, ҳуқуқий давлат яратишдек масъулиятни зиммасига оладиган, фидойи, юртпарварлардан иборат бўлишига ишонам.

Негаки, номзодлар кўрсатиш, умуман сайлов жараёнини кузатар эканман, бир нарсага амин бўлдим. Халқимиз энди кимни, қаерга сайлашни яхши билади. Шу боисдан ҳам Олий Мажлис, вилоят, туман Кенгашларига депутатликка сиёсий етук, ҳалол, соф, илмли, иймонли, маънавий жиҳатдан бой кишилар сайланади деб ўйлайман.

Турсунпўлат ФАТХУЛЛАЕВ,
Қизилтепа тумани халқ таълими бўлими мудири.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ ХАЛҚ ТАНЛАЙДИ

Озод ва обод юртимизда халқимиз орзиқиб кутаётган умидбахш кунлар тобора яқинлашмоқда. Ҳадемай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Сўнг эса ўз Президентимизни сайлаймиз.

Бу қутлуғ кунларга биз ҳам қизғин ва пухта ҳозирлик кўряпмиз. Ҳамма иш қонун асосида, демократик тамойилларга таянган ҳолда олиб борилянпти. Бундай эркин, кўппартиявийлик асосида ҳалол ва халқона сайловлар ўтишини ўн, ўн беш йиллар олдин ҳатто хаёлимизга келтирмас эдик. Ойдинроқ айтганда, ўйлашдан, мушоҳада юритишдан маҳрум эдик.

Ҳеч кимга сир эмас, ўша пайтларда ким депутат бўлиши ёпиқ эшиклар ортида ҳал этилар эди. Райком, обком «оға»ларининг кунглидаги «номзод»лар сайлов ўтадиган кундан анча олдинроқ маълум доирада овозга қўйилиб «қаршилар йўқ», «бетарафлар йўқ», «ҳамма бир овоздан рози» бўлар эди.

Ўзбекистонимиз мустақил давлат бўлгач бундай кўзбўямачиликларга чек қўйилди. Ҳуқуқий ва демократик жамият қурилаётган давлатимизда халқига фидойи, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшадиган инсонлар номзоди кўрсатиляпти. Биз давлатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатига, унинг салоҳиятига хос ва мос одамларга овоз беришимиз даркор.

Туманимиз ҳудудида Олий Мажлис депутатлигига сайлов ўтказувчи иккита, вилоят кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи тўртта, туман кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи йигирма бешта сайлов округи бор. Сайлов участкалари жойлашган бинолар таъмирланди. Семинарлар ўтказилди. Керакли адабиёт, қўлланма, ҳужжатлар билан таъминланди. Айни кунларда сайловгача ёши ўн саккиздан ошган фуқаролар рўйхатга олиняпти. Ҳокимият томонидан бириктирилган вакиллар ҳам фаол иш олиб боришяпти.

Маълумки, бу йил — Аёллар йили. Уларни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Жамият ҳаётида аёллар фаолиятини янада яхшилаш мақсадида туман кенгашига депутат сайланадиган икки округда фақат опасингилларимиз номзоди кўрсатилди. Уларнинг бири Халқ демократик партиясидан, иккинчиси «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан, бошқаси эса «Ташаббус» гуруҳи томонидан кўрсатилган. Умуман туманимиздан рўйхатга олинган номзодларнинг ўттиз фоизи аёллардир.

Дарҳақиқат, яқинда бўладиган сайловлар нафақат депутатликка номзоднинг, сайловчининг ҳам зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки мамлакатимиз тараққиётининг навбатдаги босқичида турибмиз. Халқимиз фаровон яшаши, осойишталиги учун эса унга жон дили билан қайишадиган, адолатли қонунлар қабул қиладиган вакиллар керак. Бундай виждонли, ҳалол, халқи учун жонини аямайдиган, шукрлар бўлсинки, инсонлар республикамизда жуда кўп. Шундай одамларга овоз бериш бурчимиз.

Ҳайдаркул РАҲМАТОВ,
Ховос туман сайлов комиссияси раиси.

Жумадан сешанбагача

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси Нажмиддин Комилов раислигида ўтган ушбу мажлисда сайловга тайёргарлик, сайловни ёритиш бўйича матбуот марказлари очиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини назорат қилувчи келишув кенгаши тузиш, сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказишда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

● Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов бошқарди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг «Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси» экспертлар гуруҳи 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова билан учрашдилар.

● Ушбу делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ҳам бўлишиб, Конституциявий суд раиси Б. Эшонов билан ҳам учрашдилар. Шунингдек, меҳмонлар мамлакатимиздаги сиёсий партиялар етакчилари билан ҳам мулоқотда бўлишди.

● Нукус, Самарқанд, Фарғона ҳамда бошқа вилоятлар марказларидаги округ сайлов комиссиялари ҳузурида матбуот марказлари ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнини демократик тамойиллар асосида адолатли, ошкора ва холисона ёритишдан иборат.

● Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг ўн йиллиги муносабати билан республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида анжуман бўлди.

● Пойтахтдаги Амир Темур музейида «Марказий Осиёда аёллар ва ҳуқуқ» мавзуида халқаро анжуман бўлди. Унда Марказий Осиё мамлакатларидан келган 100 дан зиёд ҳуқуқшунос аёллар ҳамда хотин-қизларнинг нодавлат ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар.

САМАРҚАНД УСЛУБИ

ОРИЯТЛИ ЭЛ

Дарҳақиқат шундай. Самарқанд азал-азалдан қатъиятли, ориятли элу халқи билан машҳур. Ушбу фазилат шоиру шуаронинг ўтли сатрларида ҳам самимий меҳр билан ҳаққоний васф этилган.

«Самарқандлик, дейилдими ишлар бажо, дегани...».

«Самарқандлик дейилдими ахдга вафо, дегани».

ФАХР

Зеро, қадимул айёмдан маънавият ва маърифат маскани, буюк алломалар, фозилу фузалолар, меъмору муҳандислар ватани бўлган бу сарзамин раиятининг бошқача бўлмоғи мумкин ҳам эмас-да!

Зарсочар Зарафшон соҳилида минг йиллардан буён деҳқончилик қилиб келаётган самарқандликлар пахта етиштириш бобида ҳам тарихий анъаналарга, улкан тажриба мактабига эга эдилар. Аммо...

Аммо воҳа аҳлининг асл салоҳияти, куч-ғайрати, шижоату маҳорати истиқлол йилларида чинакамига жўш урди. Узликни англаш, маънавиятни тиклаш бобида республика раҳбариятининг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлашлари билан амалга оширилган оламшумул тарихий тадбирлар — буюк аждодларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Исмоил ал-Бухорий юбилейлари тантаналарининг нишонланиши, кенг қўламдаги бунёдкорлик, ўсиш, ривожланиш деҳқонларнинг ҳам ориятини қўзғади. Қатор йиллар давомида қишлоқ хўжалигида қолоқликдан чиқа олмай келган вилоят ғаллакорлари, пахтакорлари кейинги 2—3 йил мобайнида кескин бурилишга эришдилар. Бултур пахтачилик учун ўта оғир келган шароитда ҳам вилоят деҳқонлари йиллик шартнома режасини уддалаб, юзлари ёруғ бўлганди.

Мана бу йил ҳам самарқандлик пахтакорлар пешқадамлар қаторида зафар маррасига етиб келдилар. Она-Ватан хирмонига 250.000 тонналик оқ олтин етказиб берилди.

(Давоми 3-бетда)

СЎНГГИ ИМКОН

САНАЦИЯ... ВА УНДАН БИР ХЎЖАЛИК ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАЁТГАНИ ЗИКРИДА

Косонсой туманидаги «Намуна» қишлоқ хўжалик корхонаси йил бошида санацияга тушган эди. Яқинда шу хўжаликда бўлганимда, унинг ташқи бошқарувчиси бир сўзли, тиниб-тинчимас инсон Ҳамидулла Абдуллаевдан:

— Қалай, ўзгариншлар борми? — дея сўрадим.

— Ўзгариш катта, — деди Ҳамидулла ака, — жамоамиз аъзолари санацияни имтиёз деб эмас, балки, чўкиб қолган хўжаликни оёққа тургизиш, соғломлаштириш учун сўнгги имкон деб билишди. Энг аввало, хўжалигимизда иқтисодий ислоҳотларни тўғри жорий этишга ҳаракат қилдик. Барча соҳаларда — пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам, мева-сабзавотчиликда ҳам оила пудратини жорий этишимиз билан ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди. Ер эгаларини эса икки ўрнамаларнинг шартқатъийлигига, агар улар қанчалик мўл, сифатли таннархи арзон ҳосил етиштиришса ўзлари шунчалик кўп ва хўб манфаатдор бўлишларига ишонтирдик. Иш ҳақларини ҳам ойма-ой бериб бордик. Техникадан, ёқилғидан, минерал ўғитлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик мақсадида чек усулини жорий қилдик. Шу билан биргаликда ортиқча ишчи кучларини анчайин қисқартиришга ҳам тўғри келди. Буларнинг ҳаммаси ўз натижасини берди, беряпти...

МАВЗУ

Ўтган йили давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини аранг уддалаган жамоа бу йил 1700 тонна ғалла сотиб, бу соҳадаги режани 110 фоизга бажарди. 610 гектар дашт-адир ерларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан сифатли дон ҳосили йиғиштириб олинди. Иброҳимжон Дадабоев, Кимсанбой Раҳимов, Абдусалом Ризаев сингари миришкорлар даласида бу кўрсаткич 50 — 55 центнерданни ташкил этди. Йил бошида ваъдага кўра ишлаб чиқариш режасини бажарган пудратчилар оиласига 2 тоннадан 4 тоннагача дон натура ҳолида берилди. Ўтган йилни ғаллачиликда 7,5 миллион сўмдан зиёд қарз билан якунлаган хўжалик бу йил 35 миллион сўмдан кўп даромад олишга эришди. Соф фойда яқин 5 миллион сўмни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда)

ЯНГИ РУКН ТАҚДИМОТИ:

ҲАМРОЗ

Кўнгилга сиғмаган дард, умид, ўкинч-армон билан ҳатларга жойланади. Инсон зоти борки, ҳар қандай шароитда ҳам ўзига дардкаш, кўнгил заҳрини ювадиган юпанч излайди. Дардинг дунё қадар кенг, имконинг истаганингдек бўлса, ҳар бир воқелиқнинг ҳар бир тақдирнинг йўналишини изга солиб турсанг. Муаллифларнинг ташвишига малҳам топсанг, яхши кўнларига шериклик қилсанг. Тоҳо ҳаётни қайтадан бошлашга изн олиб бersанг.

Афсуски бу ниятлар кўнгилнинг хоҳиши холос. Таҳририятга келаётган турли мавзудаги ҳатларнинг сўроғига жавобан жонбахш сўз айтиш қўлимиздан келади фақат. Шу ниятда янги рукн очдик. Унда таҳририятга хат йўллаган азизлар дардига қулоқ тутиш, уларга баҳоли қудрат тасалли, маслаҳат бериш, йўл-йўриқ кўрсатишни ният қилдик.

«Ёшим ўттиз олтида. Қишлоғимиздаги жарроҳлик пушер эдим. Замон талаби билан ишжойим қисқариб кетди. Узимни олди-соттичиликда синаб кўрдим, бўлмади. Ҳозир ним қилишни ҳам билмай қолдим. Мактабда социализмни ўрганган эдик. Ҳаммаси бир пул бўлиб кетди. Тушунмайман, ҳозир биз социализмда яшаяпмизми, капитализмда??? Нимадан умид кидиб, кимга суяниб яшай? Ким йўл-йўриқ кўрсатади?»

МУЛОҚОТ

Худойберди ОМОНОВ,
Бухоро вилояти Чиннигул қишлоғи.

Муҳтарам Худойберди Омонов. Бизнинг мамлакат танлаган йўл айрим капиталистик иллатларни ҳам четлаб ўтишига менинг ишончим комил. Тараққиёт асрида ҳеч қандай тузум билан чегараланмайди. Тузук жамият барпо этишнинг ҳаммаси ўзимизга боғлиқ. Узбекона одоб-ахлоқ, ўзбекона ирода, ўзбекча демократия фақат ўз қунимизга яраяди. Ҳар қандай шароитда ҳам биз инсоний тузум қурамиз. Бу албатта сиз билан бизнинг, жамики юртдошларимизнинг виждонига, эътиқодига боғлиқ. Ҳаётда ортиқча одам йўқ. Ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Яна-да чуқурроқ мушоҳада, аниқроқ ҳаракат қилинг. Режа билан яшанг. Ишингиз унгланади.

***

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 12 октябрдаги... сонида намангланлик ватанфуруш Жума Намангониининг онаси билан қилинган суҳбат мени ҳам ўйга толдирди. Муштипар она — Каромат Аскарова ўз фарзандини оқ қилди. Илоё бундай кўргулик ҳеч бир инсоннинг бошига тушмасин. Каромат опага менинг озори-ғамимни, ҳамдардлигимни етказсангиз. У кишининг умри узоқ, юртимиз тинч бўлсин.

Бердимурод ТЎЙЧИЕВ,
Самарқанд шаҳри.

(Давоми 3-бетда)

ДУНЁНИ ДИЁНАТ ҚУТҚАРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ ПРОФЕССОРИ ҒАЙБУЛЛА АС-САЛОМ БИЛАН МУЛОҚОТ

— Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан кейинги қисқа даврда миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларимиз, диний эътиқодимиз яна қайта ўз қадр-қимматини топди. Республикамиз Президенти ва ҳукумати жамиятнинг маънавий юксалишига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шундан келиб чиқиб, маънавиятнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётидаги аҳамияти ҳақидагини билмоқчиман.

ТАЛАБЛАРИНГИЗГА БИНОАН

— Маънавият, — инсоннинг ўзи қадар қўҳна. Зеро, инсон маънавий олами билангина азиз ва мукаррам. Одамзот ҳайвонот оламидан маънавий фазилатлари билан ажралиб туради. Модомики, биз бугунги кунда маънавият ҳақида қуйиб-пишиб баҳслашаётган эканмиз, бир нарсани унутмаслигимиз керак. Инсон ҳаёт экан, ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқада уни маънавият ташвишлантириб туради. Бовужуд, нима учун айнан бугунга келиб, биз бунга алоҳида тухталиб гапираямиз? Сабаби, ҳозир одамларнинг одоб-ахлоқи, мафкураси, тафаккури, қўйингки, жами ўй-фикрларида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Балки бизга ончалик сезилмас, инқироз, тургунлик даврида ниманики даъво қилган бўлсак, ҳозир ўшанинг аксини гапираётганга ўхшаймиз.

Дейлик, ўша оғир замонда мактаб, оила, хизмат, ҳуллас, барча жабҳада зўр бериб, худосизликка даъват этилди. Аллоҳ-Таоло ва биз мусулмонларнинг энг муқаддас китобларимиз — Қуръони карим, Ҳадиси шариф, масжид-мадрасалар оммага қандай зиён етказиши мумкин эди? Ҳар қўча, ҳар муҳоллада дуч келган қизил фирқачилар, даҳрийлар зўр бериб бизни илоҳиётдан, руҳониятдан бездиришга ҳаракат қилишди. Яна ҳеч ким улардан сурамадики, бунчалик жазаванинг боиси не?

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

«ҲАРАКАТ»НИНГ ҲАРАКАТИ НЕГА ТЎХТАТИЛДИ?

АРНАСОЙ ДАЛАЛАРИДА

АНТИКА ОДАМ

Ўзбекистондаги бўлажак сайловлар араб жамоатчилиги эътиборида

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис, шунингдек халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар мустақил мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий-ижтимоий воқеадир. Шу боис унга хорижий давлатларда ҳам катта эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, Саудия Арабистонида чиқадиган «ар-Рияд» газетаси «Ўзбекистон: Президент сайловларида иштирок этиш учун бешта партия руйхатдан ўтказилди» сарлавҳали ахборот чоп этди. Унда Марказий сайлов комиссияси мажлисидан олинган маълумотлар эълон этилган.

Миср Араб Республикасининг Қоҳира университетида эса республикамизда сайловлар ўтказилиши муносабати билан «Ўзбекистонда сайловлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Миср давлати ва жамоат арбоблари, илмий муассаса ва олий ўқув юртлари вакиллари, олим, ёзувчи, шоир ва журналистлари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатимизнинг сайловга алоқадор қатор қонунларнинг ижроси ва уларнинг дунёда эътироф этилган халқаро тажриба, тартиб ва қоидалар билан ҳамоҳанглиги ҳақида сўз юритилди.

Суҳбатда Қоҳира университети ҳуқуқшунослик факультетининг профессорлари, президент ва парламент сайловларининг назарий ва амалий масалалари бўйича йирик мутахассислар Маъмун Салама, Ҳасанейн Убайд. Суад аш-Шарқавий сўзга чиқдилар. Улар Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатаётганликларини таъкидлаб, ўтган давр мобайнида мамлакатда янги давлатчиликни бунёд этиш, ҳақиқий миллий парламентаризмни вужудга келтиришда катта ютуқларга эришилганлигини мисоллар билан асослаб бердилар. Янги парламент сайловлари арафасида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, халқ турмуш фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилиш каби ғоялар билан йўғрилганлиги ва бу ҳужжатлар ҳалқаро андозаларга мос келиши таъминланганлиги мамнуният билан қайд этилди.

Миср Араб Республикаси Халқ мажлиси депутати, парламент халқаро алоқалари ҳайъатининг раиси Муҳаммад Абдил Илоҳ Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг етакчи давлат даражасига кўтарилганини таъкидлаб ўтди.

Ушбу мамлакатда XX аср охирида руй бераётган халқаро аҳамиятга молик демократик ўзгаришларнинг ёрқин намуналарини кўриш мумкин. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик институтларни шакллантириш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар дунёнинг жуда кўп давлатлари учун ибратлидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов кўппартиявийлик асосда ўтказилиши бу ерда чинакам парламентаризм қонунларига жавоб берувчи янги халқ ҳокимияти яратилганидан далолат беради, — деди мисрлик таниқли давлат ва жамоат арбоби М.Абдил Илоҳ.

Суҳбатда шунингдек, «Ал-Аҳром», «Ал-Гумҳурия» газеталари, «Нисф уд-Дуне» журнали, Мисрдаги Осиё илмий-тадқиқот маркази, Айн-Шамс университети, «Юнимебель» акционерлик ширкати раҳбар ва вакиллари сўзга чиқдилар.

Р. ҚОДИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Қоҳира



АКА-УКА БОҒБОНЛАР

Ишкомлар остидан аста мўралаётган олтинранг бу узумлар тўрақўрғонлик Абдусаттор ва Абдужаббор Юсуповлар боғида етиштирилган. Абдужаббор ота 90 ёшда, Абдусаттор ота эса 82 ёшда.

Шу кеча-кундузда бу икки миришкор ака-уканинг боғида бўлсангиз, узумзорлардаги файзли манзарани кўриб кўзингиз кувнайди, дилингиз яйрайди. Узумлар куз шамолини еб, шира бойлаб ғарқ пишган. Отахонларнинг ҳалол, беминнат меҳнатлари юртимизга кут-барака олиб келди, дастурхонларимиз ширин-шакар мевалар билан безалди.

Биз яқинда Тўрақўрғон туманида Абдужаббор ота хонадонида бўлдик. Боғдорчиликнинг миридан-сиригача яхши билган тажрибали отахонлар билан суҳбатлашдик.

— Токни қанча парвариш қилсанг меҳнатинг зое кетмайди. У ҳам сенга меҳнатингга яраша ҳосил беради, — дейди Абдужаббор ота сўрида осилиб турган ғуж-ғуж узумларни кўрсатиб. Мана шуларнинг ҳаммаси меҳнатларим самараси.

Абдужаббор ота Юсупов эсини танибдики, ток билан тиллашиб келмоқда.

Мана шу тиллашиш-сўзлашишлар зое кетмади. Ҳукуматиз унинг кўп йиллик ҳалол меҳнатини муносиб тақдирлади. Унга Президентимизнинг совғаси сифатида енгил машина мукофотга берилган эди.

Суратда: Абдужаббор ва Абдусаттор ота Юсуповлар.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат

СЎНГГИ ИМКОН

(Боши 1-бетда)

Бу ғаллачиликдаги илк муваффақият. Хўш, етакчи тармоқ пахтачиликда аҳвол қалай?

— Бизни эндиликда аввалгидек пурвиқор рақамлар қизиқтирмайди, — дейди хўжалик раҳбари, — мақсад, пировард натижа. Мўл, сифатли, таннархи арзон ҳосил етиштиришимиз керак. Фақат шундагина барака топамиз, фақат шундагина деҳқоннинг қўли пул кўради. Пахтачиликда бу йил уруғчиликка ўтдик. «Ан-Узбекистон-4» деб номланган истиқболли нав экканмиз. 20 гектар жойда элита участкамиз бор. Бу йил камида 700 тонна уруғлик пахта етиштирамиз. Биласиз, тоғ олди зонасида яшаймиз. Иқлим шароитимиз анчайин мураккаб. Гоҳ жала ёғса, гоҳ сел келади. Бу йил ҳам авжи яганадан чиққан 60 — 70 гектар ғўзани бузиб қайта экишимизга тўғри келди. Пахтакорларимиз кўп йиллик тажрибаларини ишга солиб, сидқидилдан меҳнат қилишди. Кўпроқ маҳаллий ўғитлардан фойдаландик. «Шарбат» оқиздик. Шу тариқа қайта экилган жойларни ҳам олди ғўзамизга етказиб олдик. Айни кунларда йиғим-теримни қизғин олиб боряпмиз. Йиллик марра кўриниб қолди. Бу йил уруғлик пахта етиштириш эвазига 80 миллион сўм даромад олишни кўзлаб турибмиз...

Дарвоқе хўжаликда фақат пахтага, ғаллага «ёпишиб» олмасдан бўлак соҳаларни ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. 46 гектар боғ ижарага берилган бўлиб, шунинг ўзидан 4,5 миллион сўм соф фойда олинди. 25 гектар эртанги, кечки сабзавот экинлари экилиб, еган-ичгандан ташқари 5 миллион сўм даромад олиш мўлжалланяпти. 10 гектар жойга маккажўхори экилган эди. Жамоа эҳтиёжидан ортган макка дони кўшни хўжаликларга уруғлик сифатида сотилиб, 2,5 миллион сўм пул тушди. Арпа, қизилча, пиёз каби экинлардан ҳам асосан уруғлик ҳосил етиштирилмоқда. Шубҳасиз бу ҳам хўжаликка катта фойда келтиради.

Хўжаликнинг оёғидан тортиб турган энг оқсоқ соҳа — чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантириш борасида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда. Жамоа корхонаси бу йилдан наслли ғунажинлар етиштиришга ихтисослашди. Шубҳасиз, чорвани ривожлантиришнинг биринчи шарти бу — озуқа. Хўжаликда режадаги ем-хашак майдонларидан ташқари 30 гектар майдонга 7 турдаги — нўхат, перко, рапс, рож каби экинлар аралаш ҳолда экилди.

— Бу эса тайёр ем ўрнини босади, — дейди ташқи бошқарувчи, — давлатдан бериладиган емни кутиб ўтирмаймиз. Энг муҳими, емга ажратилган маблағ ёнга колади. 3 гектар жойга ҳосилдор хашаки қизилча экканмиз. Бунинг ҳам гектаридан камида минг центнердан 300 тонна ҳосил оламиз...

Хўжалик Ширин қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган бўлиб, бу ерда оз эмас — 13 минг аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ юз фоиз табиий газ, тоза ичимлик суви билан таъминланган. Учта мактаб, тўртта болалар боғчаси, битта шифохона, битта амбулатория, маиший хизмат шахобчалари, клуб, стадион аҳоли хизматида.

— Эндиликда олинган даромад эвазига қишлоқда мева-сабзавотни, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган мўъжаз корхоналар қуриш ҳаракатидамиз, — дейди Ҳамидулла ака, — шу йўл билан меҳнат аҳлини, мактабларда ва болалар боғчаларида ўқиб — тарбияланаётган фарзандларимизни қишин-ёзин ноз-неъмат маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Энг муҳими, ёшлар учун янги иш ўринлари яратамиз...

Ҳа, санацияни имтиёз деб эмас, амалий ёрдам, изланишга, ахтаришга даъват деб тушунган, ишга ижодий ёндошган хўжалик борки, барака топаверади. Бунинг мисоли сиз билан биз иш тутимига, дастлабки меҳнат натижаларига бирров разм ташлаган ана шу санациядаги «Намуна» қишлоқ хўжалик корхонаси.

Ортиқали НОМОЗОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Шу йилнинг 23-24 октябрь кунлари Қозогистон Республикасининг Қизил Ўрда шаҳрида Марказий Осиё ҳудудида жойлашган мамлакатларнинг давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А. Жалолов бошчилигида мамлакатимиз вакиллари қатнашдилар. Мазкур комиссиянинг навбатдаги йиғилиши келгуси йилнинг январь ойида Бишкек шаҳрида ўтказилади.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот маркази.

«ПАХТА-БАНК»НИНГ ДИЛБАР ҚИЗЛАРИ

Яқинда республика ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»нинг Янгибозор бўлимида бўлганимизда ажиб бир ҳолга дуч келдик. Ҳар томонлама замонавий, муҳташам зал мижозлар билан гавжум. Қатор қилиб қўйилган ўнлаб компьютерлар қаршисида ўтирган банк ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар чаққон ва зийраклик билан мижозларга тезкор хизмат кўрсатишмоқда. Муҳими суҳанлари ширин, бу ходимларнинг барчаси аёллар ва қизлардан иборат эди. Маълум бўлишича мазкур жамоанинг тўқсон саккиз фоизини аёллар ташкил этар экан. Иш борасида мавридини топиб, уларнинг баъзилари билан суҳбатлашдик.

Мамлакат САЙДАЗИМОВА,
банк бош ҳисобчиси;

— Банк тизимида меҳнат қилаётганимга роса йигирма етти йил бўлди. Агар олдинги иш тизими билан ҳозиргисини таққосласак ер билан осмонча фарқ бор. Илгарилари бирор ташкилотнинг ҳисоб-рақамига ўтказилган маблағ ҳақидаги ҳужжатлар асосан почта орқали жўнатилар , ораликдаги масофага қараб баъзан пул бориб тушишини ойлаб кутишга тўғри келарди. Бунинг устига ҳамма ишлар асосан қўлда бажариларди. Оддий ҳисоб-китоб ишлари ҳам хонаки чўт ёрдамида амалга оширилларди. Бугун замонавий компьютерларда биз илгари ҳафталаб бажарадиган юмушларни дақиқалар ичида уддалаётган ёш ходимларимизга бу ҳақда гапириб берсак, гўё эртакдай тинглашади. Ҳақиқатан истиқлол шарофати билан бугун муъжизалар даврида яшаяпмиз. Ҳар куни бир янгилик. Мустақиллик барча тармоқларда бўлгани каби, банк тизимига ҳам буюк ўзгаришларни олиб кирди. Бугун бу соҳада жаҳон талаблари асосида иш бораяпти.

Бизнинг банкимиз асосан Янгибозор шаҳри ва Юқори Чирчиқ тумани аҳолисига хизмат кўрсатади. Мазкур ҳудудда бошқа банкларнинг йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак зиммамиздаги вазифа анча масъулиятли. Биз буни дилдан ҳис этган ҳолда иш юритамиз. Яна шуниси муҳимки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитининг банк ходимларидан талаби ниҳоятда катта. Бугун бу соҳада ишловчи ҳар бир ходим юқори малакали ва тажрибали бўлмоғи лозим.

Биз ҳамкорликда ишлаётган ҳар бир ташкилот ва корхоналар билан яқиндан алоқа ўрнатганмиз. Кези келганда жойларга чиқиб мижозларимизга банк тизими янгиликлари ҳақида етарлича маълумотлар берамиз. Аёлий ёрдам кўрсатамиз. Бунинг натижасида олдимизга қўйилган барча вазифа ва топшириқларни уддалашга эришяпмиз. Ўтган даврда банкимизда газна айланма маблағининг кирим қисми бўйича белгиланган режа 119 фоизга бажарилди.

ИСЛОҲОТ

Ёки мўлжалдаги 455665 минг ўрнига 545900 минг сўм нақд пул банк ғазнасига келиб тушди. Биз жамоамиз билан туманимиз нафақахўрларини, ишчи ва хизматчиларини ойма-ой пенсия ва маошларини олишларига ҳисса қўшаётганимиз билан фахрланамиз,

Малика ОҚБЕРДИЕВА,
бош мутахассис:

— Ҳақиқатдан ҳам бугун барча жойларда банк тизимида ишлаётган ходимларнинг аксариятини аёллар ташкил этади. Назаримда бу соҳа биз учун жуда мос. Сўнгги бир йил ичида сафимизга яна 3 нафар ёш қиз келиб қўшилди. Биз мамлакатда аёлларимизга етарлича ҳурмат ва эътибор кўрсатилаётганидан беҳад мамнунмиз. Энг муҳими мустақил Ватанимизда тинчлик ҳукмрон. Қўшни Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидаги можароларни оммавий ахборот воситаларидан орқали кузатиб барқарорлик не чоғли улуғ неъмат эканлигини дилдан ҳис қилиб турибмиз. Аёл, она учун ўрталаб ишга келиб, кун бўйи ўз фарзандларидан, хонадонидан кўнгли тўқ ҳолда меҳнат қилишнинг ўзи катта бахт. Оллоҳга минг бор шукрки, биз ана шундай хотиржамликка эгамиз. Шунинг учун ҳам ишимизда унум, рўзғоримизда барака бор.

Жамоамизда унумли меҳнат қилишимиз учун етарли шарт-шароит яратилган, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш борасида барча қулайликларга эгамиз. Қувонарли томони, ишимизда адолат мезонлари ўрнатилган. Масалан, мижозларга оддий кредит бериш масаласини олиб кўрайлик. Илгарилари бу масалани фақат банк бошқарувчисининг шахсан ўзи ҳал этарди. Эндиликда кредит бериш аввал махсус гуруҳ аъзолари томонидан пухта ўрганиб чиқилади. Сўнг бир овоздан маъқулланганда ҳал этилади. Ўтган даврда банкимизга шу масалада мижозларимиз томонидан 11 та ариза тушди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Бизнес режалари маъқулланган мижозларга жами 34 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Банкимизда тартиб ва талабчанлик йўлга қўйилганлиги туфайли қарзлар ўз муддатида банкка қайтарилмоқда. Ҳозирги кунда муддати ўтган ёки ундирилмаган фоизлар йўқ.

Тошбуви НОРБОЕВА,
етакчи мутахассис:

— Бугунги кунда банкларнинг биринчи галдаги вазифаси мижозларни кўпайтириш, улар иқтисодини кўтаришга кўмаклашишдан иборат бўлиши керак деб ўйлайман. Чунки мижозлар қанчалик кўп бўлса банкнинг аксиядорлари сони ортаверади. Бу эса ўз-ўзидан ҳар иккала томонга ҳам манфаат келтиради. Банкимиз вилоят бўйича энг кўп мижозга эга. Сотилган акцияларга ҳар чорақда дивиденд тўлаб борилаётганлиги туфайли ҳиссадорларимиз сони кун сайин ортиб бормоқда. Бугун уларнинг сони 180 дан ошди. Ўтган даврда банкимиз мижозлар билан ишлашни намунали йўлга қўйгани туфайли 19157 минг сўм даромад олди. Унинг 2598 минг суми соф фойдани ташкил этди. Айни вақтда фаолиятимизни бўшаштирмаслик учун астойдил иш олиб бораяпмиз.

Албатта, ҳар бир жамоанинг эришаётган муваффақиятлари аввало кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ. Мутахассис ўз ишини пухта билса хатоларга йўл қўйилмайди. Бизда ўз касбига фидойи инсонлар кўп. Шу билан биргаликда раҳбаримизнинг ташаббускорлиги ва саъй-ҳаракати туфайли айни вақтда 4 та ходимимиз банкимиз ҳисобидан Тошкент банк-кредит коллежида таҳсил олишмоқда.

Суҳбатдош:
Иброҳим ТОШЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ХИРМОНГА БАРАКА

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида
1999 йил 25 октябрга бўлган
МАЪЛУМОТ

вилоятлар:	Топшириққа нисбатан фоиз ҳисобида	
	бир кунда	мавсум бошидан
Андижон	**0,52**	**103,42**
Самарқанд	**0,94**	**100,99**
Тошкент	1,15	96,55
Бухоро	0,58	95,86
Навоий	0,68	95,61
Хоразм	0,76	94,26
Жиззах	1,52	90,17
Қашқадарё	1,03	85,80
Фарғона	0,43	81,71
Сирдарё	1,18	78,06
Наманган	0,72	77,70
Сурхондарё	0,59	76,63
Қорақалпоғистон Республикаси	0,60	58,76
Ўзбекистон Республикаси бўйича	**0,80**	**86,52**
Тонна ҳисобида	**32303**	**3460999**

ХИВА БОЗОРИ

ТАҲЛИЛ

Маҳобатли ва мафтункор, қадимий, шу билан бирга ҳамиша навқирон Хивамиз ҳақли равишда оқсоч курраи заминнинг саккиз мўъжизаларидан бири деб эътироф этилган. Унинг заковат ва зукколик маҳсули бўлмиш асрлий обидалари куҳна тарих тилидан ривоят сўйлайди. Зеро, бундан минг йиллар муқаддам ҳам макон тутган бу манзилни аждодларимиз! Маълумки, одамзод бир жойни обод қилиб, ўзига маскан тутдими савдо-сотиқ эҳтиёж сезилади. Шу боисдан ҳам Хива бозорлари куҳна шаҳар билан тенгдош десак, ғалати муболаға бўлмайди.

Қадимий буюк Ипак йўлининг юртимиз ҳудудидан ўтиши туфайли мағрибу-машриқка машҳур бўлган Хива бозори шаҳар билан бирга яшариб, кенгайиб борди. Ўтган асрда Хивага келган сайёҳлардан бири ўз битикларида тор, эгри-бўгри кўчалар бўйлаб чўзилиб кетган кичик дўконлар, ҳунармандчилик устахоналаридан иборат бозорнинг тўкин-сочинлигидан ҳайратга тушганлигини қаламга олган. Дарҳақиқат, илгаридан карвонсаройдан бошланиб, тор кўчаларда тамом бўлувчи бозор бисотининг бойлиги билан Хитой, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Россия ва бошқа эллардан келган тижоратчилар — сайёҳларни лол қолдирган. Зотан, бу бозордан нимаики керак бўлса, бари топилган. Айниқса, Хива ҳунармандлари қўлида сайқал топган буюмлар бозори чақҳон бўлган.

Ўтган асрнинг бошларида бозор анча кенгайтирилган. Бу эса Буюк Ипак йўли бўйлаб бетиним оқиб келаётган карвонларни маҳтал қилмай қутиб олиш, бинобарин, савдо-сотиқ ишларини янада авж олдириш имконини берган.

Асримиз охирига келиб Хива бозори янада кенгайиб обод, ораста бўлди, куркамлик касб этди. Айниқса, Президентимизнинг «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир» Фармони, шу юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар асосида кейинги даврда бу ерда қуламзорлаштириш ишлари анча тезлашди. Бозорда савдо қилувчилар ва харидорлар учун қатор қулайликлар яратилди. Янги расталар бунёд этилди.

Эски, кўмилиб қолган ариқлар ҳашар йўли билан тозаланиб сув келтирилди. Барча расталарда водопровод жумраклари ўрнатилди. Бозорга оби-ҳаёт келиши билан теварак атрофдаги хонадонлар ҳам ундан бахраманд бўла бошлади. Яқинда полиз, дон маҳсулотлари сотиладиган расталар устига қулай айвонлар бунёд этиш ишлари бошлаб юборилди.

Мулкчилик шаклининг ўзгарганлиги бозор жамоасига кенг имкониятлар очиб берди. Эндиликда «Хива бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти фаолият доирасини кенгайтирди, шу йўл билан аҳолига хизмат кўрсатиш қўлами ва савиясини ошириш йўлида изланяпти, интиляпти. изланганга эса толе ёр! Яқинда Хива шаҳрига ёндош 3 гектарлик масканда ҳиссадорлик жамияти тасарруфида бўлган янги ҳом ва қурилиш ашёлари бозори қурилиб ишга туширилди. Юқори нуфузли ташкилотлар ходимлари бир неча йиллдан буён бу бозорни қуриш ишларини режалаштириш ва уни молиялаштириш (бозорга 1 миллион сўмдан қўпроқ маблағ керак эди) устида бош қотиришар, бир-бирларига ёзишмалар қилишар эди, аммо амалий ишга келганда эса баҳона тайёр: гоҳ маблағ йўқ, гоҳ у етишмайди, шоҳ бу... «Хива бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти бундай ўзибўларчиликкка ва сансалорликка чек қўйди. Шундай қилиб қисқа вақт ичида ҳашар йўли билан, жамоанинг кучига таяниб бор йўғи 380 минг сўм сарфланиб янги бозор барпо этилди. Айни пайтда бу ерда ҳам савдо-сотиқ авжида. Натижада янги иш ўринлари очилди.

Ҳиссадорлар сафи ортиб бораётганлиги мулкчиликнинг янги шакли ўзини оқлаётганидан далолат беради. 10 минг акция чиқарилган бўлиб шундан қарийб 8 минг акция сотилди. Бултур ҳар бир акцияга 40 сўм 24 тийиндан дивидент тўланган бўлса. ОТҲЖ маъмурияти 1999 йил якунига кўра бу қўрсатгични 4 баробар оширишни мўлжаллаяпти. Бу — амалий ишлар билан мустаҳкамланяпти.

Бозор бўйича олинган пул даромадини бултур шу давр билан таққослайдиган бўлсак осмон билан ерча фарқ бор. Хусусан, 1998 йилнинг 8 ойи мобайнида 5 миллион 684 минг сўм даромад қилинган бўлса, шу йилнинг ўтган даврида 8 миллион 20 минг сўмдан кўпроқ даромад олишга эришилди. «Хива бозори» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоасининг мулкка бўлган муносабати ўзгариб, масъулияти ошиб бораётганлигининг самараси бу.

Жамият аъзолари эндиликда янги шахобчалар бунёд этиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини рўёбга чиқариш билан бирга Хива шаҳридаги мактабларга, «Меҳрибонлик» болалар уйига, кам даромадли оиналарга ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Йил бошидан буён шаҳардаги Тимирязев номли мактабни қайта жиҳозлаш ишларига ёрдам кўрсатди. 4 та бокувчисини йўқотган оиланинг иморати таъмирлаб берилди. «Меҳрибонлик» уйига ҳар ҳафтада турли озиқ-овқат маҳсулотлари инъом этиляпти.

...Хива бозори. Дунёга довруғи кетган қадимий шаҳарнинг бу мўъжазгина маскани ҳар куни одамлар билан гавжум. Ҳар куни юзлаб юртдошларимиз бозорга ташриф буюрадилар. Бозорда дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар ҳам учратасиз. Улар орасида тижоратчилар ҳам талайгина. Бозор айланиб юриб баъзи камчиликлар назарингизга тушса ошдан тош чиқандек кўнглингиз хижил бўлади. Хоржидан, Ўзбекистоннинг бошқа томонларидан келган меҳмонлар олдида хижолат тортасиз. Бундай камчиликлар, муаммолар эса, бу бозорда ҳам бор. Чунончи, автотранспорт воситаларини, от-аравани қўйиш муаммоси қўпдан бўён Хива бозорига келувчиларни қийнаяпти. Бозор ёнидаги тўхташ жойига яхшилашиб бўлмайди. Бу ердаги транспорт тўхташ жойини бошқа ташкилот мутасаддилари эгаллаб олишган. Бозорга ўз маҳсулотларини келтирган деҳқон, фермерлар учун тўхташ жойини бозор ОТҲЖ тасарруфига ўтказиш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори чиққанига бир йилга яқинлашди. Аммо Хива тумани ҳокимияти, бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари бу қарорнинг ижросига негадир панжа орасидан қараяптилар. Аниқроғи, «Бозор ёнидаги транспорт тўхташ жойини эгаллашда ким зўр чиқар экан», дея томошабин бўлиб туришибди, шекилли. Бундан одамлар озор кўришяпти. Ахир бозорозор бўлмаслиги, аксинча, кишининг кайфиятини, руҳини кутарувчи, қалбига таскин бериб ҳожатини чиқарувчи маскан бўлиши керак.

Озодалик, ораста лик. Бир-бири билан ўйнулашиб кетган бу сўзлар замирида нечоғлик маъно-мазмун мужассам эканлиги ҳар биримизга ойдиндай равшан. Афсуски, бозорга келган барча юртдошларимиз ҳали бунга тўла амал қилавермайди, билибмибилмайми, озодаликка путур етказади. Бирники-мингга деганларидек, растадаги пештахта ортида, ёвуз ариқа пўчоқ, чирик пиёз кўзга нақадар ҳунук кўринади. Бундай қуримсиз ҳолдан Хива бозори ҳам ҳоли эмас. Шу сатрларни ёзаётиб Олмонияда сафарда бўлган бир ҳамкасбимнинг хотиралари ёдимга тушди. Немислар ниҳоятда маданияти юксак халқ бўлганлиги боис кўча ва йўлларга чиқинди ташламас экан. Агар биронта маст ёки фаросатсиз одам ўзига кераксиз нарсани кўчага ташласа, у ҳамманинг нафратига дучор бўлар экан. Қилган ишидан изза тортиб, ташлаган нарсасини ердан олиб ахлат қутисига элтиб ташлар экан. Бизда эса...

Яна бир ташвишли ҳолга — айрим тез бузиладиган ноз-неъматларни бозорнинг дуч келган жойида сотилишига барҳам бериш пайти келмадимикин?! Токайгача бундай устамонларнинг хурмача қилигига тоқат қиламиз? Ахир ҳукуматимиз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида ҳамиша гамхўрлик кўрсатаётган бир даврда бозорнинг пастқам жойларини эгаллаб оган олгирлар дуч келган, сифат сертификати йўқ озиқ-овқат маҳсулотларини хуфия пуллаб чўнтак қаппайтирсаю, бошқалар унинг жабрини тортса бу қандай қўргилик? Менимча, бундай ҳолларга барҳам бериш ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш идоралари, санитария-эпидемиология станцияси ходимлари, бозор мутасаддиларининг қўли ҳам, қурби ҳам етади.

Хива бозори... Борган сайин юртимиз қўркига кўрк қўшаётган, тўкин-сочинлик тимсоли бўлган бозор барчани бағрига чорлайверсин.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ

ҚЎЙЛАРНИ... ТОПИШАРМИКАН?

АНА ХОЛОС!

Яқинда олтинсойлик бир фермернинг ўндан зиёд бўрдоқи қўйини оёғи чаққон йигитлар... кечаси... ҳеч кимдан рухсат сўрамасдан ва ҳеч кимга билдирмасдан... олиб кетишди. Гап шундаки, катта кўранинг бошқа бўлмасида ориқ совлиқлар ҳам бўлган. Аммо ҳалиги йигитлар (балки қизлардир) ўша қўйларга қайрилиб ҳам қарамаган. Бундан чиқди, ўғри мол танламайди, деган мақол рост бўлса, ҳалиги йигитлар... балки қароқчилардир.

Ҳозир мелисалар зўр бериб ўша қўйларни изламоқда. Аммо қўйларнинг топилишига нафақат мелисалар, ҳатто фермернинг ўзи ҳам ишонмаяпти. Чунки, қўйлар ҳаддан ташқари семиз эди.

Яна ҳам ким билади, дейсиз балким топишар?..

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Қашқадарё вилояти мамлакатимизда ўзининг табиий ва жўғрофий жойлашиши, иқлими жиҳатидан ер кўчиши, сел ва сув тошқини сингари фавқулодда ҳодисалар тез-тез руй бериб турадиган воҳалардан ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қароридан сўнг вилоятда талай ишлар амалга оширилди. Шу муносабат билан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Р. Э. ХОЛИҚОВ билан суҳбатлашдик.

— Рўзикул Эргашевич, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар хусусида сўзлаб берсангиз?

— Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва кўчкини кузатиш хизмати томонидан хавфли кўчки ва сел оқими эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудудларда яшовчи ҳар бир хонадон такроран текширилиб, тегишли ҳокимликлар, ташкилот, корхона раҳбарлари ва уй эгаларига кўрсатмалар берилди. Шу йилнинг январигача вилоят ҳудудида кўчки хавфи мавжуд бўлган 29 қишлоқда 182 оила, яъни 1167 киши истиқомат қилиб келишарди. Айни пайтда қадар 49 оила доимий, 133 оила эса вақтинча хавфсиз жойларга кўчирилди. Сел ва сув тошкинидан зарар кўриши мумкин бўлган ҳудудда вилоят бўйича 237 оила яшаб келган бўлса, шулардан 66 оила вақтинча яшаш учун хавфсиз жойларга кўчирилган. Дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, муҳандис — техник ишлар амалга оширилгани туфайли 157 оилани кўчиришга ҳожат қолмади. Ушбу тадбирларни бажариш учун барча фуқаролар муҳофазаси хизматлари, бошқарма ва ташкилотлар ҳамда уларга тегишли бўлган куч ва воситалар жалб этилган. Бу ишларимиз ўз самарасини бермай қолмайди, албатта. Мисол учун ўтган йилнинг май ойида Қамаши туманининг Лангар қишлоғида республика миқёсида жуда катта ер кўчкиси содир бўлганди. Кўчки натижасида 22 млн. метр куб тупроқ-кум ва харсанглар ўз ўрнидан кўчиб, 48 та хонадонга шикаст етказди. Шундан 22 таси кўчки остида қолди албатта, Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирларимиз натижасида бирор инсон тугул, уй ҳайвонига ҳам зиён-заҳмат етмади. Аммо уй-жойлар вайрон бўлди.

ЭҲТИЁТ — ШАРТ!

Жорий йилнинг 5 — 18 апрель кунлари хавфли ҳудудларда яшайдиган аҳоли пунктлари қайта текширилганда Деҳқонобод туманидан 21 оила ва Шаҳризабз туманидан 5 оила хавфсиз жойлардан қайтиб, яна эски уйларида яшаётганликлари маълум бўлди. Вилоят ва туман ҳокимликлари, фавқулодда вазиятлар бошқармаси, давлат кузатув хизмати, ички ишлар бўлимлари ва прокуратура ходимларининг кўрган чора-тадбирлари туфайли 26 оила қайта хавфсиз жойларга вақтинчалик кўчирилди.

Жорий йилнинг 30 апрелигача сел ва сув тошқинини талафотсиз ўтказиш бўйича асосий йўналиш Қашқадарё, Оқсувдарё, Танҳоздарё, Яккабоғдарё ва Лангар дарёлари ўзанлари ва қирғоқларини таъмирлашга ҳамда сув омборларининг хавфсиз ишлашини таъминлашга қаратилган бўлиб, жами режалаштирилган 152 млн. сўм маблағдан 88 млн. сўмлик муҳандис-техник тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, тупроқ, бетон, тошериш ишлари, шунингдек, сув йўллари тизимини тозалаш ва дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари ниҳоясига етди.

Дарё ўзанларини ўзлаштириш ва хавфли жойларда ҳар хил қурилиш ишларини амалга оширмаслик барча хўжаликларнинг раҳбарларига тушунтирилди. Ўз вақтида олиб борилган муҳандис-техник тадбирлар туфайли сел хавфида жойлашган 127 оилани хавфсиз жойларга кўчириш эҳтиёжи қолмади.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан огоҳ этиш, уларга ўз вақтида хабар беришни яхшилаш мақсадида вилоятимиз ҳудудидаги барча тоғ-лар ва 4 та йирик (Хисорак, Чимқўрғон, Пачкамар, Таллимаржон) сув омборларида алоқа воситалари, товуш берувчи сиреналар ўрнатилди ҳозирги кунда кичик сув омборларида ушбу технік алоқа воситаларини ўрнатиш бўйича лойиҳалаш ишлари бошланган ва маблағ масаласи ҳал этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда биз учун энг муҳими, кишиларимизни хавф-хатардан ўз вақтида огоҳ этиш унинг олдини олишдир. Биз бу йўлда қатъият билан иш олиб бораверамиз.

— Суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатни Азамат СУЮНОВ, ёзиб олди.

САМАРҚАНД УСЛУБИ

(Боши 1-бетда)

Тан олиш керакки, иқлим шароити ўта мураккаб бўлган Самарқанд заминида пахта етиштириш, йиғиб-териб олиш, минг-минг тонналарни яратиш ўта машаққатли иш.

Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, самарқандлик деҳқонлар кейинги икки йилда пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам ўзига хос янгича мактаб яратдилар. Бунга ўзўзидан эришилгани йўқ, албатта.

ПАХТАГА-МЕҲР, ПАХТАКОРГА — ЭЪТИБОР КЕРАК,

— дейди Бердиали БЕРДИМУРОДОВ.

Вилоят ҳокими биринчи ўринбосари, вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Вилоят далаларидаги 97 минг гектар майдонга экилган чигит энг аввало бир текис, бехато ундириб олинди. Мавжуд ғўза агротехник тадбирлар асосида парваришланди. Керакли минерал, маҳаллий ўғитлар билан вақтида озиқлантирилди, ишлов берилди. Ғўза ҳолати мутахассислар томонидан тез-тез кузатиб борилди. Вилоятдаги қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли раҳбарларнинг масъулияти оширилди. Ҳар бир туманга вакиллар ажратилди. Тез-тез ғўза ҳолати таҳлил қилиб борилди. Йиғилишлар, семинарлар ўтказилиб, аниқ кўрсатмалар берилди. Қилинган ана шундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Далаларда мўлкўл ҳосил етиштирилди.

Германиядан келтирилган «Дропп ультра» химикати, Навоийдан келтирилган «Сиҳат» дефолианти билан мавжуд ғўзалар вақтида дефолиация қилинди. Умуман, ғўза парвариши ва дефолиация пайтида зарур техника воситаларидан, ишчи кучидан унумли фойдаланилди.

Йиғим-терим ҳам уюшқоқлик билан бошланди. Қабул манзилгоҳлари, техника воситалари, пахта тозалаш заводлари мавсумга шай қилиб қўйилди.

Айни пайтда пахтакорни — деҳқонни ҳам унутмадик. Меҳнат илғорлари вақтида рағбатлантириб борилди. Йиғим-терим вақтида республика Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида теримчиларга иш ҳақи ҳар беш кунда бериб борилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, Нуробод, Нарпай тумани пахтакорлари вилоятда биринчилардан бўлиб, йиллик пахта тайёрлаш режасини адо этдилар. Нурободликлар даштлик жойларда пахта етиштириб, шуҳрат қозонган бўлсалар, нарпайликлар азал-азал деҳқон эканини, пахтапарвар халқ эканини намойиш этдилар. Шунингдек, Паст Дарғом, Пахтачи, Ғўзалкент Оқдарё, Жомбой туманлари оқ олтин ижодкорлари ҳам режани шараф билан бажаришган бўлсалар-да, далада ҳосил мўллиги туфайли йиғим-терим суръатини пасайтирмаяптилар. Қолган туманларда ҳам шу кеча-кундузда пахтакорлар ўз сўзлари устидан чиқиш учун астойдил шижоат кўрсатишиб, меҳнат қилишмоқда. Хуллас, Самарқанд заминида пахтага меҳр, пахтакорга — эътибор берилгани ютуқлар омили бўлди.

НАҲРИПАЙ СОҲИЛИДА

— Туманимиз пахтакорлари қисқа муддат ичида 31 минг тонналик пахта хирмонини уйишга муваффақ бўлдилар, — дея гап бошлади Нарпай тумани ҳокими Акбар Жамилов. — Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини юқори навларда сотишга эришдик. Деҳқонларимиз 11.700 гектар ердаги ғўзани талаблар асосида парваришладилар. Тўғри, қийинчиликлар кўп бўлди. Баъзан об-ҳаво панд берди, баъзан таъминот ишларида узилиш бўлди. Лекин барибир ғўза парваришга, меҳрга қонидирлди. Шу туфайли бугун хирмон ҳам баракали бўлди.

Ҳисоблаб кўрсак, нарпайликлардан 15 минг нафар кишининг ҳар бири 2060 килограммдан пахта терибди. 26,5 минг тонна пахта биринчи навга сотилибди. Пахтачиликдан бултур даромадимиз яхши бўлди. Қарийб 106 миллион сўм соф фойда кўрибмиз.

Хўш, бу пуллар кимники? Нарпайликларники, ўша қора кўзларники, албатта. Бу пулларни топиш учун «Туркистон», «Бўстон», «Ғалаба», Навоий номли, «Иттифоқ», «Самарқанд» хўжаликлари меҳнат аҳли озмунча заҳмат чекишдими? Ёки бўлмаса нафақат туман ёки вилоятда, балки республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган Турғун Рўзимуродовни, Шоназар Тоғаевни, Холмамат Бозоров ва Боли Бобоқуловни, Хайрулло Азимов ва Нормўмин Турсуновни, Абдулла Абдувоҳидов бошлиқ бригадаларни айтмайсизми?

Ҳа, деҳқон манфаат сари йўналтирилганда онгли меҳнат қилади. Айни пайтда амалга оширилган бошқа ташкилий тадбирлар, ижтимоий юмушлар туманнинг пахта хирмони барвақт — бир ой ичида тикланишига хизмат қилди.

ПАСТ ДАРҒОМЛИКЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Дарҳақиқат, шундай бўлди. Паст Дарғом тумани заршуносларидан давлат қабул пунктларига 21,805 тоннадан ошиқ саноат ҳом ашёси етказиб бердилар. Йиғим-теримга дастлабки кунларданоқ йиғирма мингга яқин теримчи белига этак боғлаб, пахтазорга чиқди. Ҳар куни йиллик режанинг 3—3,5 фоизи миқдорида ҳосил йиғиб олинди. Режа қиска даврда бир ой ичида бажарилди. Мавсум давомида 176 миллион сўм маблағ теримга сарфланди. Туман пахтакорлари пахтанинг «С-9070», «Фарғона-3» навларини экишган эди. Бу Паст Дарғомнинг иқлим шароитига жуда мос келди. Бундан ташқари иш янгича усулларда деҳқон манфаатига мос ҳолларда ташкил этилгани боис ютуқлар қўлга киритилди.

ПУДРАТЧИ ҲОСИЛИНИ «ҚИЗҒАНАДИ»

Каттақўрғон туманидаги Улуғбек номли хўжаликда қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Далаларга гўё оқ қушлар қўнишгандек оппоқ эди. Лекин пахтазорда теримчи кўринмасди. Сабабини суриштирдик. Оилавий пудрат аъзолари ўз даласидаги ҳосилни ҳашарчидан «қизғанар» экан.

Тўпланган ҳосилни, қисқаси пудратчилар ўзлари териб олишга ҳаракати экан бу! Албатта бунга сабаб моддий манфаатдорлик. Деҳқон ва ҳашарчи ўртасида рақобатни юзага келтирган нарса — бу терим пули экан. Ана холос..!

Хуллас, «талашиб-тортишиб» ишлаш юксак хирмоннинг тезроқ тикланишига йўл очди.

ЭЗГУ НИЯТ

Деҳқоннинг турмуш тарзи — далага боғлиқ. Далада барака бўлса, деҳқон рўзғори обод бўлади.

Пахтачи туманидаги «Оқтепа» ширкатлар уюшмаси аъзоси Муҳаррам Дарвешова қизи Юлдуз билан биргаликда 12 тонна пахта терибди. Қўлига 96 минг сўм нақд санаб олибди. Бултур эса 6 тонна теришган эди. Қаранг, бу йил чинакамига омад келибди.

— Турмуш ўртоғим Ҳасан Қодиров ширкатда сувчи. У кишининг топганини ва терим пулини қўшиб-чатиб ўғлимизга уй қурмоқчимиз, Терак экканмиз, ёғоч ўзимизда чиқади. Деворини ҳашар билан тиклаймиз. — дейди Муҳаррам опа.

Илоё, сиз ва сиз каби қадоқ қўлли, азиз инсонлар ниятига етишсин Муҳаррам опа!

«ДЕҲҚОНОБОД» ЎЗГАРДИ

Пайариқ туманининг «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги бундан икки-уч йил аввал танқидга нишон бўлиб қолганди. Негаки, хўжаликда хўжасизлик, лоқайдлик кайфияти ҳукмрон бўлганлиги боис, кетма-кет пахтачиликда, ғаллачиликда ва бошқа соҳаларда режалар барбод бўлганди. Шу боис, хўжалик иқтисоди жиҳатдан ночор аҳволда қолганди. Хўжаликнинг дебитор ва кредитор қарзлари 70 миллион сўм бўлиб биргина иш ҳақининг ўзидан 10 миллион сўм қарз эди.

Ана шундай пайтда бундан икки йил бурун кеч кузда хўжаликка раҳбар этиб, тайинланган Исмат Қозақбоев аввалига бироз ғанғиб қолди. Негаки, туманда қайси йиғилиш бўлса, боплаб «Деҳқонобод»ни танқид қилишади, аччиқ-тизиқ гаплар билан раисни «дуппослашарди». Айниқса, ушанда вилоят «Зарафшон» газетасида «Раис ўзғарди-ю, иш ўзгармади» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилгани дард устига чипқон бўлди. Туман ҳокимининг ўзи бу мақолани катта йиғинди ўқиб эшиттирди. «Туманни вилоятда шармандa қилдингиз-ку» деган гапни айтди.

Хуллас, қолоқ хўжаликни оёққа турғазиш учун раис қўл дакки еди. Ҳаммасига чидади. Астойдил ишга киришди. Энг аввало, хўжаликда мутахассис кадрларни жой-жойига қўйишга эътиборни қаратди. Айниқса, бригадаларнинг сардорлигига ишнинг кўзини биладиган, ер билан «тиллаша» ва «дилласа» оладиган, халқнинг обру-эътиборини қозонган кишиларни тайинлади.

Кўп йиллардан буён эътибордан четда қолиб, ҳосилдорликка путур етказаётган иллат — ернинг шўри ювилмаётганлигида эди. Биринчи галда бу ишга асосий эътибор қаратилди. Ариқ-зовурлар кузда яхшилаб тозаланди. Хўжалик аъзоларининг иш ҳақи ғоҳ пул, ғоҳ маҳсулот билан ҳисобкитоб қилиб борилди.

Қилинган саъй-ҳаракатлар бежизга кетмади. Хўжаликда ўтган 1998 йилда ғаллачиликда, пиллачиликда, пахтачиликда юқори натижаларга эришилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Хўжалик қаддини тиклай бошлади.

Қиска даврда Одилов, Эшонхўжаев, А. Примов, Оллоёр-қудуқ қишлоқлари газлашди, айрим қишлоқлар ичимлик суви билан таъминланди. Жорий йилда ҳам хўжаликда қувончли натижаларга эришилди. 580 гектар ердаги «Улуғбек-600» навли уруғлик галладан 2200 тонна ҳосил олинди. Ҳосилдорлик 43 центнерни ташкил қилди. Шунингдек, давлатга 11 тонна пилла сотилди.

Айни пайтда хўжаликда пахта йиғим-терими авжида. Хўжалик пахтакорлари 2515 тонналик оқ олтин хирмонни бунёд этишиб, йиллик режани шараф билан уддаладилар. Ҳали далада ҳосил мўл. Шу боис, хўжаликдаги Умида Жозилова, Комил Туропов, Нозима Муҳаммадиева каби чаққон теримчиларнинг ҳар бири кунига 100 килограмм атрофида пахта теришаяпти.

1, 2, 7, 8, 11, 20-бригадаларнинг пахтакорлари хўжаликда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарган эдилар.

— Йиғим-теримда 2000 нафар теримчи иштирок этаяпти. Шундан 450 нафари Самарқанд педагогика институти талибалари — ҳашарчилар. Улар ҳам жамоа хўжалиги аъзолари билан бир сафда туриб, пахта теришаяпти. «Ҳар бир теримчининг ўртача тергани 50—60 килограммни ташкил қилаяпти, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Исмат ака Қозақбоев.

Хуллас, хўжаликда ўзгаришлар катта. Энг қувончлиси — одамлар онгидаги ўзгариш, мустақилликдан руҳланиш, меҳнатга ижодий муносабат шаклланганлиги муваффақиятлар сари етакламоқда.

«МАҲАММАТ ЧАТОК»НИ ТАНИЙСИЗМИ?

Қаҳрамонимиз Иштихон туманидаги Мурод Жўраев номли хўжаликнинг бригада бошлиғи — Неъмат ака Назаров. Уни кўпчилик «Маҳаммат чатоқ» дейишади.

Неъмат аканинг мардлиги-ю тантилиги, чапанилиги, меҳнатсеварлиги «Гирдоб» романидаги ўша «Маҳаммат чатоқ»қа жуда-жуда ўхшаб кетади.

Маҳаллада қайси тўй бўлса, маърака бўлса, Неъмат ака бош-қош. Бригадирман, қишлоқ оқсоқолиман деб, бошқаларга иш буюриб, ўзи қараб ўтирмайди. Қозон-ўчоқ бозорми, неки юмуш бўлса, аралашиб хизмат қилиб кетаверади.

Қишлоқда бирон оилада жанжал чиқди деган гап Неъмат аканинг қулоғига чалинмасин. Мабодо шундай гапни эшитса борми, ўша оилага бориб, «орасидан ола мушук ўтган» келин-қуёвларни яратиштиргунча тинчимайди. Аввало, аччиқ-тизиқ гаплар билан қуёвни ҳам, келинни «сийлайди». Тўғри сўзидан ҳеч ким қайтмайди. Неъмат аканинг бундай чапанилигини кўпчилик яхши билгани, у кишини ҳурмат қилганлари боис, ҳеч ким унинг гапини икки қилмайди. Қолаверса, Неъмат ака ҳеч кимга ноўрин, ортиқча гапирмайди. Гапнинг рости Бодой қишлоғи одамлари «Маҳаммат чатоқ» — Неъмат Назаровни астойдил эъзозлашади.

Қаҳрамонимизнинг яна бир хислати — унинг суяги меҳнатда қотган. Асли ишни устачиликдан бошлаган, гулдай ҳунари бор. Кўп йиллардан бери таниқли бригадир. Пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам салмоқли натижаларга эришиб келяпти. Гапнинг қисқаси деҳқончиликнинг пири бўлиб кетган. Янгиликка ўч одам.

Илк бор плёнка остига чигит экиб, рекорд кўрсаткичга эришган ҳам ана шу иштихонлик «Маҳаммат чатоқ»! Ҳосил байрамларидан ҳар доим қуруқ қайтмайди. Қўша-қўша гиламлар олган ҳам, видео жуфтлик билан тақдирланган ҳам «Маҳаммат чатоқ»!

Бундан уч йил илгари туман ҳокими (ўшанда бу вазифада С. Муродов ишларди) унга:

— Неъмат ака, бу йил пахтадан ҳосилдорлик қандай бўлади, — дея савол ташлади?

— 50 центнердан кам бўлмайди, — дея жавоб берди Неъмат ака. — Агар 50 центнердан олсангиз, мукофотга «Тико» биздан, — деди ҳоким бобо. Улар қўл ташлашди.

Неъмат ака ҳам, ҳоким ҳам ўз сўзида туришди. Ўша йили Неъмат ака 67 гектар пахтазордан 55 центнердан ҳосил кўтарди. Тумандан — ҳосил байрамидан «Тико»ни миниб қайтди. Ҳозир бу «Тико» Неъмат акага дала ва рўзғор юмушларида қўл келяпти.

Неъмат аканинг бошқаларга ёққан яна бир томони бир сўзлилига. Айтган гапида туради. «Одамзоднинг лафзи — ҳалол» деган нақлга қатъий амал қилади. Ваъда бердими, бажаради.

Хуллас, Неъмат Назаров ана шунақа бир сўзли одам.

Улкан зафарга вилоятнинг барча туманларидаги чевар теримчилар муносиб ҳисса қўшдилар.

Б. АКРАМОВ олган сурат.

Жорий йилда ҳам Неъмат ака бригадаси аҳли салмоқли натижаларни қўлга киритди. 71 гектар ғаллазордан рекорд натижа 78 центнердан ҳосил кўтаришди.

— Бу «Улуғбек — 600» деганлари айни деҳқонбоп нав экан. Пояси бақувват, шамолга ётиб қолмайди. Касалликка чидамли, магзи тўқ, тош босади. Меҳнат қилсангиз, қўйиб қолмайсиз. Бу йил деҳқонман деганнинг уйи донга тўлди, — дейди Неъмат ака Назаров биз билан суҳбатда. Бригададаги ғаллачилик бўйича 5 та пудратчи 33 тонна ғалланы натура ҳолида олишди.

Пахта ҳосили ҳам кишини қувонтиради. 58 гектар пахтазордан 172 тонна ҳосил олиб, давлат режасини аллақачон бажариб қўйган бригада далаларида ҳали ҳосил мўл. Шу боис, чамандек бўлиб ётган пахтазорда иш қизғин. Теримчиларнинг қули-қулига тегмайди. Баҳодир Умматов, Илҳом Бобомуродов, Актам Норқулов, Облақул Норқулов каби оилавий пудратчилар айниқса шижоатли меҳнат қилишди.

— Ука, мен ҳақимда эмас, кўпроқ бригада аъзолари ҳақида ёзинг, Бодой қишлоғи одамларини мақтанг. Чунки қишлоғимиз одамлари аҳил, меҳнатсевар, яхши одамлар. Бригадамиз аъзолари шу қишлоқ кишилари. Бағри кенг, саховатли шу одамлар туфайли мен бригадир сифатида танилдим. «Дўстлик» ордени сохиби бўлдим. «Мен уларданман миннатдорман. Мендан бошқа киши шу жойда бригадир бўлса ҳам, ана шундай машҳур бўларди. Чунки бу ерда одамлар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Такрор бўлса-да, айтайин, Бодой қишлоғи одамлари — олтин одамлар. Айтадилар-ку олтин зангламайди, — дейди тўлқинланиб Неъмат Назаров.

Хуллас, иштихонлик «Маҳаммат чатоқ» ва бодойликлар ҳақида ҳозирча билганимиз шу. Бодойликларга ва Н. Назаров каби меҳнатсевар инсонларга илоё, тупроқ ушласангиз, олтин бўлсин, деймиз!

* * *

КАТТА ХИРМОННИНГ 28 МИНГ ТОННАСИ

вилоят деҳқон ва фермер хўжаликларининг улушига тўғри келди.

Албатта, бунда ҳукуматимизнинг фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши айни муддао бўлди. Масалан, ғузалкентлик фермерлар 5,2, каттақўрғонлик фермерлар 4, нарпайлик фермерлар 1,6, паст дарғомлик фермерлар 1,4 минг тоннадан улуш қўшдилар.

Х. Тожиев, М. Сафаров, Х. Муродуллаев, Р. Худойбердиев бошлиқ жамоалар ҳосилдорликни гектарига 50 центнердан оширдилар.

* * *

Самарқандлик пахтакорлар ҳақида яна кўпроқ ҳикоя қилиш мумкин. Меҳнатсевар эл-нинг эзгу ишларини айтаверсак адо қилиб бўлмайди. Вилоят аҳли айни кунларда ҳам сафарбарликни бўшаштирмай, мамлакатимизнинг улкан хирмони тезроқ тикланишигак янада салмоқли ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Қалби пахтасидай оқ, лафзи ҳалол пахтакорларга фақат омад тилаймиз.

Мамадиёр ЗИЁДДИНОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири

ОППОК ЗАМИН...

Бу йил чинозлик деҳқонлар эккан пахта ҳосили мўл бўлди.

Айниқса, санацияга тушган Охунбобоев жамоа хўжалигида, юқори кўрсатгичга эришилди.

Кўнгил оппоқ. Деҳқоннинг эккани оппоқ. Фақат йўллар қора-кура, қоп-қора...

— Бу жойлар Мелибой отанинг бригадасига қарайди — гап бошлайди раис. — Нима десам экан, қисқаси, бу йил пахта оқиб кетди. Қаранг, бир қаранг...

— Мана бу шоввоз бригаданинг пешақадамларидан. Неъмат Мирзаахмедов десангиз, ҳамма танийди, — деди раис. Кейин қўшиб қўйди: — Хотини Гулзода билан пахта экади. Бу йил режани ортиги билан уддалаб бўлишди.

— Бечора хотиним ҳам роса ишладида, раис бува. Бўлмаса, бир ўзим қаёқда дейсиз. Биринчи теримнинг ўзидаёқ уч гектар ердан 8400 ўрнига 10500 килограмм пахта териб олдик. Эгатларда ҳосил яна мўл.

Шу пайт биз томон вагиллаганча агрегат кела бошлади. Тар-тар қилганча келди-ю, бункер тўла пахтани хирмонга тўкди.

— Мана бу шоввоз эса... — раис бироз тўхталиб қолди. Кейин: — Нима десам экан, газетчилар тили билан айтганда «Суворийлар сардори». Ҳақиқий қаҳрамон. Ҳа, айтгандай, унинг ўти ҳам Қаҳрамон.

Машина вагиллашдан тўхтаб кабинадан Қаҳрамон енгил сакраб тушди.

— Юзга етказдингми, ўртоқ Қўлдошев, — деб сўради раис.

— Саксондан ошиб қолди. — У шундай деганча ҳаммамиз билан бир-бир сўрашди.

— Баракалла, энди бу ёғига ҳам бардам бўласизлар.

— Шу пайт у, узоқдан қораси кўриниб қолган кишини кўрсатиб: — Ана, Мелибой ота Саримсоков ҳам келиб қолдилар — деди.

Кўринишидан жиккак, аммо унча-мунчага бўйин бермайдиган мўйловдор киши биз билан қўл олишиб кўришди.

«Хуш келдинг», «Бор бўл!»дан кейин савол назари билан отахонга юзландим.

— Маррага ҳам оз қолибди...

— Ҳов анов пайкални кўряпсизми — деди у киши саволимга унчалар эътибор қилмай. — Нари борса етти гектар майдон. Пахтаси икки юз килограммгина ҳосилдан қарздор. Аммо у ердан яна икки тоннадан ошиқ пахта териб олса бўлади. Яхшиси юринглар ўша жойнинг пудратчиси билан таништирай.

МАВСУМ

Биз яна тўзалар оралаб кетдик. Шох ариқни хатлаб ўтгач, 20 — 30 чоғли теримчилар ишлаётган пайкал устидан чиқдик. Чиндан ҳам пахтанинг чўғи мўл эди.

Раис битта чаноқ пахтани олдида чигитларини санай бошлади.

— Тўқизта... Демак, отахоннинг гапи рост. Яна камида «ушанча» ҳосил бор. Энг муҳими, биринчи терим, биринчи нав...

Теримчилар ёнига яқинлашар эканмиз, раис қўл силтаб чақирди.

— Ҳой, Сайёра бери кел!

Ёшгина миқти қиз қаршимизга келди. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, унинг кўзларида кўёш кулиб турарди.

— Мана шу қиз Сайёра Саидова бўлади, — таништирди раис. — Энг илғорларимиздан. Кунига юз килограммга етказмаса уйқуси келмайди бунинг.

Сайёра ийманди. Унинг ўн саккиз тоннадан ошиб кетган хирмони бу қизнинг қалбида туғанмас қўр борлигидан дарак бериб турарди.

Биз тупроқ йўлни кечганча ортга қайтдик.

Саййид ОЛИМ

ҲАМРОЗ

(Боши 1-бетда)

Кароматхон она, кўраяпсизми, ўкинманг. Сиз ҳеч қачон ёлғиз қолмайсиз. Ўзбекларнинг бағри кенг, кўнгли очиқ. Ўглинга бир куни ўз хатосини тушуниб етади. Адолат юзасидан унга ўзини оқлаш учун имконият ҳам берилса ажабмас. Қолгани виждонига боғлиқ. Ўзбекистон — қудратли мамлакат.

***

«Сурайё билан турмуш қурганимизга ўн йилдан ошди. Ҳамон бефарзандмиз. Оилада энг кичик ўғилман. Онам бечора бизнинг фарзандли бўлишимизни кутиб-кутиб армон билан оламдан ўтиб кетди. Дўхтирларга қуриндик, фойдаси бўлмади. Таниш-билишларим юзимга айтмаса-да, ортимдан «Эр-хотин ажрашса дуруст бўларди» дейди. Бунинг иложи йўқ. Хотинимни яхши кўраман. Ўйланмасимдан олдин 3 йил қамалиб чиққан эдим. «Зона»да кўп ишларни қилишга мажбур бўлганмиз. Балки шуларнинг таъсиримикан, деб ўйлайман.

Турғун МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

Турғун Мирзаевнинг мурожаатига чиройли сўзлар билан жавоб бериш кўнгил зардобини олмаса-да тасалли бўладиган факт ва рақамларни келтириш жоиз деб ўйлаймиз.

Тиббиётда бефарзандлик дарди узлуксиз даволанаётганлиги ҳақиқат. Айрим эркаклар 35, 40, 50 ҳаттоки 60 ёшида биринчи фарзанд кўрганига ҳаёт гувох. Шунингдек, 30 ёшли она қорнидаги 3 ойлик ҳомилани жарроҳлик йўли билан бошқа бир аёл қорнига ўтказилганлиги ҳам бор гап. Инсоннинг танасида ҳар хил кучлар, имконият, қарама-қаршиликлар бўлади. Бири эртароқ, бириси кечроқ уйғонади. Сизлар ҳам бардошли бўлингизлар. Даволанишни тўхтатманг. Ниятимиз — фарзандларингиз кўпайсин. Илтижоларингизни Аллоҳ инобатга олсин.

***

«2000 йилнинг ёзига мактабни тугатаман. Бироқ ҳалигача бирор касбни танлашга журъат қилганим йўқ. Отам савдо ходими бўласан дейди. Онам дўхтир бўлишимни истайди. Дўстларим, акаларим ҳарбий соҳани танлашимга тарафдор. Ўқиш қийин. Ўқимай ишим янада огир. Менга ким қандай маслаҳат беради?»

Ғулом ШОДИЕВ,
Жиззах шаҳри.

Ғуломжон дўстимиз шу пайтгача бир қарорга келолмаганига ким айбдор. Ота-онами ёки мактабми? Ўн биринчи синф ўқувчиси ҳалигача қайси касбни танлашни билмаслиги ишини таажжублантиради албатта.

Оламга машҳур донишманд — Сукротнинг ҳузурига замоннинг муҳтарам оналаридан бири фарзандини келтириб шундай дейди:

— Зоти олий, келажакда менинг фарзандим ҳам худди сиз каби дунёи донишманд бўлишини истайман. Айтинг, бунинг учун нима қилай?

Сукрот сўрайди:

— Фарзандингизнинг туғилганига неча кун бўлди?

Она:

— Бор-йўғи уч кун бўлди.

Сукрот:

— Демак, сиз ўғлингизнинг мен каби донишманд бўлиши учун роса уч кун кечиккансиз.

Биз бу мисол билан Ғуломжоннинг бирор соҳанинг етук эгаси бўлишига кечикканлигини эслатмоқчи эмасмиз. Ҳали қўл етгулик фурсат бор. Савдо ходими, дўхтир, ҳарбий киши бўлишга ҳам имконият етарли. Насиҳатимиз Ғуломжон фикрни бир жойга тўпланг-да, ўзингиз эплайдиган соҳага ёпишинг. Ютасиз. Шунингдек, ҳунар ўрганишни ҳам канда қилманг.

***

«Бутун оиламизнинг бошига кутилмаган кулфат тушди. Айтишга тилим бормайди. Айтмасликнинг дарди ундан ҳам огир. Дастлаб бир тасодиф туфайли кичик укам тандирга нон ёпаётган онамни ов милтиғи билан отиб қўйди. Орадан кўп ўтмай отам уйга асабий ҳолда келди. Синглим билан мени отмоқчи бўлди. Уйдан қочиб чиқдик. Ортимиздан ўқ узди. Синглимнинг белини мўлжалга олган экан, куксидан ёриб чиқди. Жон ширин, яна қочдим. Кейинги сафар отам ойимни мўлжалга олди. Қуладим. 30-40 қадамча судралиб ҳушимдан кетганман. Касалхонада ўзимга келдим.

Кейинги эшитганларим шу бўлдики, отам қишлоқдан қочиб кетган, жазодан қутилиш учун ўзини ҳам отиб ўлдирибди. Шу билан бутун оиламиз пароканда бўлди. Тўғриси, қишлоқда бош кутариб юролмайман. Нуфузли идорада ишлайман. Ишбу баённомадан мақсадим шуки, вақт ўтиши билан отамдаги руҳий ҳолат менинг қонимда ҳам бош кутармасмикан? Шундан қўрқаман. Дўхтирларнинг хужжатларида ёзилишича отам ҳамища руҳий соғлом бўлган. Аммо нега қотиллик қилганига ҳайронман...»

Исроил БАРАТОВ,
Жиззах вилояти.

Ушбу хат ҳар қандай одамнинг борлиғини парчалаб юборишианиқ. Алкисса Исроил Баратовга кўнгилчан сўз айтишга, юпанч бўлишга журъат ҳам тополмайсан киши. Минг афсуски, ушбу фожеа ҳам инсоннят оламининг баъзан меъёридан ортиқ даражада тубанлашиб кетишидан дарак беради. Бироқ, хат муаллифини, барча замондошларни умидбахш этадиган нукта шундан иборатки — қотил отадаги ушбу руҳий нуқсон туғма бўлмаган. Демак, фожеа манбаси, унга сабаб бўлган туткинлик авлоддан авлодга ўтмайди деб ўйлаш мумкин.

Муҳтарам Исроил Баратов, кўнгилни кенг қилинг. Ўтган-кетганни унутинг. Иложи борича яхшилик билан яшашга ҳаракат қилинг. Фарзанд туғдирганларнинг ҳаммаси ҳам муносиб ота бўлавермайди. Сиз онгли инсонсиз. Кишлоқдошларингиз сизни тўғри тушунади. Вақт ҳаммасини йўлига солади...

***

Хуллас, ана шунақа гаплар. Ўқиганларингизни ҳукмингизга ҳавола этишдан мақсад тириклиги бемаза қусурлардан сақлаш. Инсонлар орасига яхшилик уруғларини сочиш. Шакланаётган мамлакатимизнинг қудратини, салоҳиятини ошириш. Бир дардкаш истаб таҳририятимизга мактуб йўллаганларнинг барчасига тансиҳатлик, Аллоҳдан сабр-қаноат тилаймиз.

Ҳурмат билан,
Нормурод МУСОМОВ.

САВОБ ОЛАЁТГАН ФЕРМЕР

Ж х 20з 1999. N 80

Косон туманидаги «Гувалак» жамоа хўжалиги тасарруфида жойлашган «Шомурод ота» хусусий фермаси беш йил муқаддам 15 жуфт ўрдакни парваришлашдан ишни бошлаганди. Оғзига кучи етмай, «кўрайликчи ўрдаклари нима каромат кўрсатаркин» деганлар ҳам бўлди. Кўп ўтмай бу соҳа ҳам уддалаганга турган-битгани фойда эканлиги кўриндиқолди. Икки йил оралиғида ўрдаклар 15 жуфтдан 25 мингтагача кўпайди. Шартнома асосидаги парҳез гўшт сотиш режаси ортиғи билан уддаланиб, ортгани бозордагидан арзон нархда аҳолига сотилди.

Ҳисоб—китоб қилиб кўрилганда дастлабки йил якуни харажатлардан ташқари миллион сўмдан зиёд соф даромад билан якунланди. Бу эса ферма фаолиятини янада кенгайтиришга, ягона тармоқдан кенг ихтисослашган гўшт етиштириш тизимига айланишга шароит яратди. Даставвал хўжаликнинг ташландиқ еридан жой олиниб, молхоналар қурилди ва керакли ускуналар келтирилди. Айни пайтда бу ерда 300 бош қорамол, 1200 бош қўй-эчки, 50 бош туя ва шунча йиллқи парваришланаяпти.

Аммо биз эътиборни рақамларга эмас, балки мустақиллик яратиб берган имтиёзлардан ишбилармонлар қандай фойдаланаётганликларига, элга, юртга қандай наф келтираётганликларига қаратмоқчимиз: Зеро, киройи тадбиркорлар орасида фақат ўз манфаати йўлида иш кўраётганлар, афсуски, йўқ эмас.

Пок ният ила қўл урилган ишнинг ҳамиша самараси яхши бўлади, деган гап бор. «Шомурод ота» хусусий фермасида ҳам ишлар юришиб кетди. Жамоанинг аҳиллиги, соҳани пухта ўзлаштиришганлиги маҳсулот етиштиришга, аҳолининг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга замин яратди. Бир мисол. 1995 йилдан буён аҳолига 800 тоннадан зиёд гўшт етказиб берилган бўлса, шу йилнинг тўқиз ойида 122 тонна сифатли маҳсулот сотилди.

Ҳалол меҳнат эвазига топилган даромаднинг бир қисми соҳани ривожлантиришга, бир қисми эса ишчиларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланяпти. Ҳозир жамоада 80 нафардан ортиқ ишчи бор. Уларнинг ўртача ойлик маошлари оладиган кундалик эҳтиёж маҳсулотларидан ташқари 8—9 минг сўмни ташкил этяпти. Шу билан бирга кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ферма мутасаддиларининг мунтазам эътиборида. Шундай 120 та кам таъминланган оилага ҳар ойда 6 килограмм гўшт ва 350 сўмдан пул бериб борилаётир. Шунингдек, туман марказидаги шифохона, нуронийлар жамғармаси ҳам улар оталигида.

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

Юртимиз келажаги, истиқболи ёшларимиз қўлида. Бу ҳаммамизга аён. «Гувалак» жамоа хўжалиги тасарруфида 11 та ўрта мактаб бўлиб, бугун ана шу илм масканларида таълим олаётган болажонларнинг ижтимоий аҳволи қандай кечаётганлиги, ларга таълим-тарбия бераётган муаллимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларга ҳам фермер камарбаста.

Чунончи, ёшларга фан сирларини пухта ўргатишда жонбозлик кўрсатаётган 11 нафар мураббийга ҳар ойда 500 сўмдан рағбатлантириш пули, аълочи ўқувчилардан 55 нафарига эса ҳар ойда 400 сўмдан стипендиялар жорий этилган. Самараси ҳам чакки эмас. Ўтган йили ўттиздан ортиқ ўқувчи республикамиздаги турли олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш қаторида уларни иш билан таъминлаш борасида ҳам бир талай савобли ишлар қилинмоқда.

Юртимиз келажаги, истиқболи ёшларимиз қўлида. Бу ҳаммамизга аён. «Гувалак» жамоа хўжалиги тасарруфида 11 та ўрта мактаб бўлиб, бугун ана шу илм масканларида таълим олаётган болажонларнинг ижтимоий аҳволи қандай кечаётганлиги, ларга таълим-тарбия бераётган муаллимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларга ҳам фермер камарбаста.

Чунончи, ёшларга фан сирларини пухта ўргатишда жонбозлик кўрсатаётган 11 нафар мураббийга ҳар ойда 500 сўмдан рағбатлантириш пули, аълочи ўқувчилардан 55 нафарига эса ҳар ойда 400 сўмдан стипендиялар жорий этилган. Самараси ҳам чакки эмас. Ўтган йили ўттиздан ортиқ ўқувчи республикамиздаги турли олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Ёшларни қўллаб-қувватлаш қаторида уларни иш билан таъминлаш борасида ҳам бир талай савобли ишлар қилинмоқда.

Айтайлик, фермада гўшт ва сут етиштириш билан бирга, уни аҳолига сифатли ҳолда етказиб бериш мақсадида йиғирма тонна маҳсулотни сақлайдиган иккита музлатгич ишлаб турибди. Айни пайтда бу ерда яна бир неча ёш иш билан таъминланди. Шулар қаторида тумандаги ўндан ортиқ бичиш-тикиш цехлари ҳамда ҳунар масканларида таълим олаётганлар ҳам «Шомурод ота» хусусий фермаси саҳоватидан баҳраманд бўлмоқдалар.

— Озод юртимизнинг осмони мусаффо, мустақиллигимизнинг умри боқий бўлсин, — дейди ферма раҳбари Ж. Алламуротов. — Ёшлигимдан хўжалик ишига а

ДУНЁНИ ДИЁНАТ ҚУТҚАРАДИ

(Боши 1-бетда)

Мана энди Яратганга шукурлар бўлсинки, кўзимиз очилди. Ва, нихоят тушуниб етдикки, бизни чуқур маънавий инқироздан нимадир, бирон нарса қутқазиб қолса, бу — аввало диёнат, иймон, такводир. Халқимизда «Худодан қўрқмагандан қўрқ», — деган ҳикмат бор. Ҳақиқий гап. Худодан қўрқмаган, унга мункир одамдан ҳар қандай ёвузлик, фаҳш ишларни кутиш мумкин. Художўй одамга эса, ҳеч қандай назоратнинг ҳожати йўқ. Чунки у биладики, бандадан яширган нарсани Оллохдан яшириб бўлмайди. Оллоҳ кўргувчи, эшитувчи ва билгувчидир. Ҳаммадан қочиб қутулиш мумкин, бироқ Тангрининг ғазабидан қочиб қутулиб бўлмайди.

— Домла, моддий бойликлар хусусидаги қарашларингизни ҳам билмоқчи эдик.

— Эркин иқтисодий муносабат, эркин савдо, хусусий мулк, мулкдорлик сармоядорлик бўлмаган жойда тараққиёт ва инсоний фароғат бўлиши мумкин эмас. Илгари «йўқолсин мулк» — дедик. «Яшасин мулк!» — деяпмиз. Илгари аллақандай социалистик мусобақалар ҳақида гапирардик. Ҳолбуки, бунинг барчаси сохта, манманликдан бошқа нарса эмасди. Гарчи сиёсатбозлик учун моддий манфаатдорлик ҳақида тил учида кўп гапирган бўлсакда, аслида ҳеч ким ўз меҳнати самарасидан манфаатдор эмасди. Бу ҳол боқимандалик, ялқовлик, текинхўрлик, молу мардумхўрлик иллатларини, кайфиятларини келтириб чиқарди. Қаранг, ҳаммаси бир-бирига вобаста.

Одатда ишласак, ҳам, ишламасак ҳам, қаттиқ ишлаб, тер тўксак ҳам барибир олдиндан белгиланган маошни олаверар эдик. Натажада меҳнаткаш мардумдан кўра бекиғам одам кўпроқ имтиёзга эга бўлиб қолганди. Эндиликда ўшандагидек эски кайфиятлар билан яшаб бўлмайди.

Бойиш, хусусан, моддий жиҳатдан бойишнинг ўз одоби бор. Бир ўзим бойлик орттираман, деб, бошқаларни қийнаш, ўндан тўққизни уриш, бозор кўтаради деб бир сўмлик нарсани икки сўмга пуллаш, нафақат инсофсизлик бўлади, нафақат харидорни шип-шийдам қилади, балки, Оллоҳнинг ҳам ғазабини келтиради.

Бизнинг ёш тўжжорларимиз, заминдорларимиз, саноатчи бойларимиз, мулкдорларимиз унутишмасинки, ғирром йўл билан тўпланган бойлик охир-оқибатда ўша одамни бирга минг нисбатда хонавайрон қилади. Бу бой бўлиш, мулкдорлик, инсонпарварлик ҳайру саҳоват, инсоф туйғулари билан омуҳта бўлгандагина кишига фаровонлик, роҳат, фароғат келтиради. Сен бир ўзинг ва фақат ўзинг учун бойишни ўйлама, балки қавму-қариндошинг, кўни-қўшниларинг ҳамда бошқа ҳамкасаба кишилар билан бойишни ўйласанг, бойисанг ўшандагина муродингга етасан. Келинг, шу маънода некбин, неқадам бўлайлик! Ҳаётда яхши ҳодисалар, инсофу диёнатли, илму маърифатли бойларимиз борлигига ва улар сафи тобора кенгаяётганлигига шукр қилайлик.

— Моддий ва маънавий бойликлар инсон камолотида нечоғли аҳамиятга эга?

— Халқимизда «Бўш қоп тик турмас», деган яхши бир гап бор. Оч қорин билан бирор нарсани яратиб, бирор нарса учун курашиб бўлмайди. Демоқчиманки, моддий бойликлар инсон учун бирламчи аҳамиятга эга. Лекин! Хўш, фақат қорин ғамидагина яшаш мумкинми? Инсон камолотга эришуви учун нон ҳам, китоб ҳам, сув ҳам, мусиқа ҳам, кийим-кечак ва яхши бадиий асар ҳам бирдек керак. Буларнинг барини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди. Истагим шуки, биз фақат уй жиҳозлари, машина, пойафзал, тақинчоқларни кўз-кўз қилавермай, маънавий бойликларимизни, тарихий аъмолларимизни, умуминсоний қадриятларимизни ҳам кўрсата олайлик. Баъзида танг қоламан. Нуқул «Смирнов» ароғи» ва ҳоказоларни шоён тарғиб қиламиз-у, биронбир газета ёки журналда, радио — телевиденияда яхши китоб, хоҳ илмий, хоҳ бадиий бўлсин, реклама қилинганини кам кўрадиган бўлиб қолдик. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, моддиёт билан маънавиятнинг бирини иккинчисидан устун қўйиб бўлмайди. Бу бойлик узвийликдагина инсонни камолотга етакловчи омилларни яратади.

— Домла, келинг, суҳбатимиз мавзуини бироз ўзгартирайлик.

Машҳур Хитой адиби Чжан Чао «Китобни йиғиш қийин эмас, кўриб чиқиш қийин. Кўриб чиқиш ҳам қийин эмас, ҳаммадан ўқишга ўрганиш қийин» деган эди. Аслида китоб харид қилиш, ва ўқиш инсондан жиддий савод, маданият ва матонат талаб қилади. Сизда китобга мехр қачон уйғонган? Илк ўқиган китобингизни эслайсизми? У қайси китоблар эди?

— Қўлимга биринчи илинган китоб — Франг адиби Виктор Гюгонинг «Париж маъбудасининг ибодатхонаси» романи бўлди. Бунгача Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ҳам ўқиб улгурган эдим. 600 саҳифалик бу залворли асарни ўрис тилида мутолаа қилишга тутундим. Ёнверимизда ўрис мардум яшамайди. Еппасига — ўзбеклар. Ўрисчага тишим ўтмайди. Тағин келиб-келиб дабдурустдан Гюго мутолаасига киришибман денг!

Матнни қанчалик ихлос билан қироат қилма, уни тушунмаганингдан кейин завқ ололмайсан, рағбат сўнади. Аммо дастлаб шундай бўлса-да, дарвоқе, мазкур рўмоннинг бош қисмлари қарийб ярмигача ёш ўспирин учун зерикарли!.. Бора-бора сўзни сўзга, жумлани жумлага, маънони маънога, фаҳмни фаросатга улаб, асар воқеаларини идрок этишим саҳифадан саҳифага ортиб борди. Хуллас, икки ой таътил давомида китобни шаррос ўқиб чиқдим. Махсус дафтар очиб, унга билмаган, нотаниш сўзларни ёзиб бордим. Шундай қилиб, умримда илк бор франг адиби Виктор Гюго ўзининг «Париж маъбудасининг ибодатхонаси» билан мен ўзбекка... ўрис тилидан ғоят гўзал сабоқ берган эди. Ундан кейинги йилларда мағриб ва машриқ адабий ўлкаларига гузарим тушди... Хўжа Аҳмад Яссавий ва Рабиндранат Тагор, Алишер Навоий ва Вильям Шекспир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Оноре Де Бальзак, Боборахим Машраб ва Лев Толстой ҳамда бўлак юзлаб жаҳон адабиёти саркардаларининг маънавий обидаларини зиёрат қилдим. Зеро, тил билиш миллат кишиларини бир-бири билан боғласа, турли миллатларнинг ўзаро муомалалар ҳамда ҳамкорлик воситаси—таржимадир. Шу маънода таржима санъати чинакам мўъжиза, бу мўъжизадан мўъжиза яратиш санъати, таржимонлар эса мўъжизакорлардир.

—Айтингчи, шу пайтгача ёзган китобларингиз орасида энг яхшиси сизнингча қайси?

— Ҳар бир асарим ўз даврининг махсули. Бинобарин, эҳтимол уларнинг ҳар бири ўзича яхши ёки ўзича ёмондир. Лекин! Лекин! Мен ўзимнинг энг яхши китобимни ҳали чиқарган эмасман. Ўзимнинг қирқ йиллик (Бир йигитнинг ёши деган сўз!), ҳа, қирқ йиллик меҳнатим, орттирган тажрибам, кузатишларим адашишларим, иккиланишларим ва кашфиётларим самараси бўлган минг саҳифалик салмоқдор «Таржимашунослик» номли дарслигимни кўзим тириклигида кўришни истайман.

— Бизнинг газетамизни ҳам ўқиб турсангиз керак: рўзномамизга қандай тилакларингиз бор?

— «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг барча сонини қолдирмай ўқийман. Айниқса, «Мутолаа», «Кўнгилга сайр», «Шундай одамлар бор» «Таҳлил», «Мавзу» сингари рукнлар остида чоп этилаётган мақолалар менга жуда ёқади. Газетада берилаётган материалларнинг мазмун-мундарижаси мароқли, хилма-хил, шу боис ҳам унинг фаолиятига равнақ тилайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат:

Суҳбатдош: Улуғбек ЖУМАЕВ.

КАШНИЧ

Кашнич утида асосан алдегидлардан ташкил топган эфир мойлари, витаминлар ва бошқа моддалар бор.

Абу Али ибн Сино кашнични бош айланиш касаллигига даво қилган ва ел ҳайдовчи восита сифатида ишлатган. Усимликнинг меваси билан баргизубнинг шарбатини обдон аралаштирилганини қон кусиш ва қон тупуришда тавсия этган.

Халқ медицинасида кашнич меваси (настойка порошок, дамлама қолида) гипертония ва атеросклероз касалликларини даволашда, йўтални қолдиришда, гижжани ҳайдашда кенг қулланилади. Илмий медицинда кашничнинг меваси доривор препаратлари иштаҳа очадиган, ут ҳайдайдиган дори сифатида ва яраларни ҳамда бавосилни даволашда қулланилади. Унёқимсиз ҳидни дан ҳам оғиздаги кетказиш мақсадида ҳам фойдаланадилар.

ТАБИАТ ШИФОХОНАСИ

Кашнич меваси бавосил ва қабзиятни даволайдиган йиғмалар таркибига киритилади. Кукун ҳолига келтирилган кашнич баргини мол ёгига обдон аралаштириб, уни малҳам сифатида қабарган ҳамда шишган жойларга суртилади.

Бош оғригини қолдириш учун 6 г кашнич меваси билан 8 г шакар қўшиб тайёрланган талқондан ҳар қуни ноғорга 2 г дан ичиш лозим.

Кашнич меваларидан олинадиган эфир мойлари антисептик модда, оғриқ қолдирувчи, ут ҳайдовчи омил сифатида ҳам ишлатилади. Фармацевтикада эса, дориларнинг таъмини яхшилаш учун қулланилади.

(«Шифобахш неъматлар» китобидан).

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ

Дунёда ҳайвоннинг 1300 хили бор. Одамлар эса шулардан 50 хилини қўлга ургатишган. Умуртқасизлар орасидаги энг узуни — Линеус деган қурт. Унинг узунлиги 35 метрга етади.

Тропик Африкада яшайдиган мерган кобралар (заҳарли илон) ута хавфли. 5 метр ердаги кишининг қузига ёки юзига қузлаб туфлаганида, у захрини тўғри соча оларкан.

Баъзи қушларнинг, масалан, қашқалдоқ, тўғич полапонлари етим қолганида, каттаси кичкинтойига гамхўрлик қилади. Пингвин полапонлари эса катта бўлгач, «болалар боғчаси»га кетади. Минглаб полапонлар узларига қулай ерга йиғилишиб, бир-бирига бошини қуйишиб бир-бирини ситишади.

Мадагаскар оролида, Африкада ҳамда Ҳиндистонда маймунга ўхшаш лемур деган ҳайвон бор. Бироқ унинг маймундан фарқи шундаки-бировларининг

АЖИБ ДУНЁ

боши тулкининг бошига, иккинчиларининг боши итнинг бошига ўхшайди. Унинг кичкинасининг буйи 12 сантиметр бўлиб, Лимуриндри деган каттасининг буйи бир метр экан. Ажабланарлиси шундаки — Лемурнинг юқори — пастки икки тили бўлиб, овқатланиб бўлгач, улар пастки тили билан тишини тозалайди.

Аляскада учрайдиган котьяк деган айиқнинг узунлиги 3 метрдан, вазни 700 килограммдан ошар экан. Судандаги оқ шоҳли тумшуқнинг узунлиги 5 метр, буйи 2 метрдан баланд. Баъзиларининг огирлиги 2 тоннадан ошиқ, шоҳининг узунлиги бир метр 57 сантиметрга етаркан.

Америкада Сан-Антонио деган шаҳардан 32 километр нариданги Бракен қорида 20 миллион қуршапалак яшайди.

Олимлар тропик районларда маймунлардан гербарий туплашда фойдаланишади. Маймунларнинг ёрдами натижасида бир неча усимликларнинг янги хили топилган. Чунки улар баланд дарахтларнинг учидан ҳар хил гул ва усимликларни узиб олиш хусусиятига эга. Ҳозир ҳатто Сингапур шаҳрида махсус маймунлар питомниги бўлиб, ерда маймунларни «боғбонлик» ишларига тайёрлашаркан.

Кидирбой ТЎЛАБОЕВ

ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИ... ҚАРИЯПТИ

Жаҳон қузатувчиларининг фикрича, кейинги 10 йилда Ер юзи аҳолиси сони кескин қупайган. Бу усиш асосан Осиё қитъаси чекига тўғри келмоқда. Бундан Марказий Осиё республикалари ҳам холи эмас. Бу бир жиҳатдан қувонарли, албатта.

Аммо ҳозирги пайтда аҳоли сонининг усиши эмас... тобора қариб бораётгани АҚШ, Япония, Оврупа мамлакатларини жиддий ташвишга солмоқда.

БМТ маълумотларига қаранда, агар аҳволи шу тарзда кетаверса, яқин келгусида ривожланган мамлакатларда жамиятнинг кескин қариши тўғран гап. Ҳатто, шундай шаҳарлар ҳам борки, улар аҳолисининг деярли ярми қариялардан иборат.

Ривожланган мамлакатларни ташвишга солаётган бундай нуфус муаммоси нимада? Аҳвол шу зайлда давом этаверса, эртага ута мураккаб замонавий дастгоҳларни кимлар бошқаради? Жамият бойлигига кимлар бойлик қушади? Хуллас, илми фан, техника тараққиётининг ва бошқа соҳаларнинг аҳволи қандай кечади?

Яқинда бутун дунё социологлари қизиқ бир тадқиқот утказишди. Бу — аҳоли кризиси муаммоси билан боғлиқ текшириш ва кузатувлардир. Нега жамиятни янги, соғлом қучлар билан муттасил тўлдириб боришдек ҳаётий муаммо шунчалик назардан четда қолиб кетгани сабаблари тадқиқотчиларнинг бошини қотиряпти. Зотан, бу муаммо кам ёки ўртача ривожланган мамлакатларга таалуқли бўлса ҳам майли эди-я! Бориб-бориб, бахтли ва фаровон кўп болали оила яратиш учун ҳамма имкониятлар муҳайё бўлган, энг тараққий этган мамлакатлар аҳолисини нима жин ураяпти экан?!

Америка ва Японияда бола қуриш ва қларни энг яхши анъаналар руҳида тарбиялашдек ҳаёт зайкидан нега қочиб кетдилар? — деган саволни беришяпти тадқиқотчилар. — Ҳўш, уларга нима ҳалақит бераяпти?

Масалан, тадқиқотчилар АҚШда бунинг сабабини топгандай бўлдилар. Ким фарзандликнинг асосий боиси — бу жамият аёлларни ҳимоя остига олиш ҳаракатини жуда қучайтириб юборганда, Японияда эса оталар ва оналарнинг меҳнатга муқасидан кетганидан деғишмоқда. Ва шахсий ҳаётларининг жуда кўп қисмини иш хизмат ҳойида ўтказишаётганлиги сабаб бўлиб чиқди! У ерларда меҳнат билан шу даражада банд бўлишар эканки, ҳатто икки жуфтнинг бир-бири билан тоғишишига вақтлари етмас, улар шунчалик ишга берилиб кетишган экан...

Балки бир кам дунё деганлари шудир. Қаранг, энг ривожланган мамлакатлар ҳам тукис эмас экан.

Хорижий матбуот материаллари асосида

О. АСҚАРОВА тайёрлади.

ҲАЛОЛ БЎЛ, ДЕРДИ

СИЙРАТ

Қишлоғимизда Эшпўлат бобо деган отахон бўларди. Ниҳоятда ширин сўз, одамохун эди. Етти ёшдан етмиш ёшгача ҳаммани сиз-сизлаб гапирарди. Бу инсонда тасвирлаб бўлмайдиган бир сажмийлик бор эди-ки, биз ёшлар ҳаммамиз шунга интилардик. Лекин кўпчилик бу отахоннинг устидан кулишарди, чунки у дудукланиб гапирар эди-да. Баъзи ҳарфларни яхши талаффуз қила олмасди.

Отахоннинг одатий тусга кирган бир қилиғи бор эди. Ўз олдидан чиққан ҳар бир кишига — у каттами, кичикми, барибир дудукланиб «ҳалову» дерди. Одамлар кулишарди: «Инглизча саломлашяпти», деб, аслида ундай эмасди.

Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлардим. Ҳатто у кишидан ёзиб ҳам сўраганман. Лекин у инсон ёзувни билмас эди. Яқинда қишлоқ-ка борсам отахон оламдан ўтибди. Жуда-жуда ҳафа бўлдим. Сўнг қишлоқ қарияларидан бири Норпўлат бободан ота ҳақида сўрадим.

— Ҳа, яхши инсон эди, бутун умри далада ўтди. Юз ёшдан ошган эди, жойи жаннатда бўлсин — деб жавоб қилди бобо . Мен яна, худо раҳмат қилгур Эшпўлат отани, дудукланиб ўз олдидан чиққан ҳар бир кишига нима дерди деб сўраб қолдим.

— Эй, болам шуни ҳам тушунмасмидинг? У доимо «Ҳалол бўл» дер эди.

Ҳа, инсон умрини ҳалолликда ўтказсин экан. Шунда яхши ном қолар экан.

Насриддин БОТИРОВ

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛО...

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУКАРРАР

Шу йил 24 дан 25 майга ўтар кечаси, Бухоро шаҳар Шарқ-1 даҳаси 11/1 уйнинг 28-хонадонида яшовчи, 73 ёшли нафақахўр Кимё Асадуллаеванинг уйига ўғри тушиб, қотиллик юз бергани ҳақидаги шум хабар прокуратура ва ички ишлар органи ходимларини оёққа турғазди.

Суриштирув давомида марҳум К. Асадуллаевага тегишли бўлган 3 дона тилла занжир, 2 дона халқа, 3 дона аёллар узуги, 8 дона билакузук ва бошқа тақинчоқлар — жами 150 минг 806 сўмлик миқдорда мулк ўғирлангани аниқланди.

Энг ачинарлиси ҳали вояга етмаган Отабек Азизов бувисининг ишончини суиистеъмол қилиб, ўғриларга «кумаклашган». Бундан фойдаланган ўзи кичигу нафси ўпқон ўғриларнинг тилла тақинчоқларни қўлтиқиқа уриб, бозорга қаранг ростлашиб, раб жўфтакланда, изиз етиб келган ички ишлар ходимларининг ҳаёгига илинишди. Содир этилган жиноятлар, ишдаги бошқа ҳужжатлар, тўпланган далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тўлалигича ўз исботини топди...

1977 йилда Бухоро шаҳрида туғилган Шарқ-1 даҳаси 21-уй, 33-хонадонда яшовчи Чориев Муҳиддин босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида, олдиндан жиноий тил бириктириб, уюшган гуруҳ тузиб, шериклари Ильдор Файзиев, Григорянц Гурген, Фахриддин Қозоқов, Отабек Азизов билан нафақахўр К. Асадуллаеванинг уйига кириб, унга ҳужум қилиб, ҳаёти учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, қасддан ўлдириш мақсадида унинг ожизлигидан фойдаланиб, қўл-оёқларини ип ва оғиз-бурнини лента билан боғлаб, ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетишган. Оқибатда К. Асадуллаева ҳодиса жойида қийналиб вафот этган.

Текин даромад топишга устаси фаранг бу жиноятчилар айни кунда суднинг «қора курси»сида ўтириб, қилмишларига пушаймон бўлишмоқда.

Шуни айтсалар керак-да, сўнгги пушаймон ўзингга душман деб.

Насилло НАСРИЛЛОЕВ,
Бухоро шаҳар Ф. Хўжаев тумани прокуратураси терговчиси.
Рашид АСЛОНОВ,
журналист.

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

Азиз газетхон!

Сиз, «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бўлдингизми?

Йил-ўн икки ой хонадонимга маънавият кириб борсин, нур кириб борсин десангиз, «Қишлоқ ҳаёти»га ёзилинг! Газетамиз билан ошно бўлсангиз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий ҳаётдаги кундалик энг муҳим янгиликлардан вақтида хабар топасиз. Дунё воқеаларидан воқиф бўласиз. Ғаройиб ҳодисалар ҳусусида қизиқарли мақолалар ўқийсиз.

«Қишлоқ ҳаёти» — Сизнинг энг яқин ҳамроҳингиз, суҳбатдошингиз!

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг нашр индекси — 144.

БОШ СОВРИН ТОШТЕМИР ПОЛВОНДА

Кураш бўйича яқинда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Президент соврини учун ўтказилган II-халқаро мусобақада дунёдаги энг кучли курашчилар иштирок этди. Бош соврин яъни «Нексия» автомашинаси бойсунлик жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиевга насиб этди. Польшалик моҳир курашчи Павел Малованец эса иккинчи ўринни эгаллади ва «Тико» автомашинаси билан мукофотланди.

Қозоғистонлик 18 ёшли полвон Достон Примқулов мусобақада 3—ўринни эгаллаб «Дамас» автомашинасини олиб кетди. Тўртинчи ўринни эгаллаган япон курашчисига рангли телевизор, гилам ҳадя қилинди.

Мусобақа тугади. Бироқ юраклардан унинг ҳовур-ҳили ўчгани йўқ. Мухлислар ўртасида турли баҳс— мунозаралар, тортишувлар бўлиб турибди. «Қишлоқ ҳаёти»нинг кейинги сонларида кураш ва курашдан кейинги воқеа ҳамда баҳолар ҳусусида алоҳида тўхталамиз.

М. НОРМУРОДОВ

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Ибн Жамшид» хусусий ишлаб чиқариш фирмасига 1997 йили давлат статистика органи томонидан берилган қайд этиш ҳақидаги гувоҳнома (ОКПО бўйича код — 16351718) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 12.10.1999 йил 76 (6.032) сонида берилган Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиалида аукцион ўтказиш тўғрисидаги реклама матнида РАФ-22031 русумли, Давлат рақами 69—34 ТШН бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 65.000 сўм ўрнига 92.000 сўм ва «ДАМАС» русумли, Давлат рақами 36—95 ТНД бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 82.000 сўм ўрнига 409.000 сўм деб ўқилсин.

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» КОМПАНИЯСИ

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ фуқаролари хизматида

У қуйидаги йўналишлар бўйича хизмат кўрсатади:





- *Қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари экинлари ҳосили, чорва моллари, боғлар ва узумзорлар, табиий пичанзорлар ва уларнинг асосий воситаларини суғурталаш;*
- *Аҳолига қарашли иморатлар, уй-жой, чорва моллари, транспорт воситалари, томорқадаги қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларни суғурталаш;*
- *Юкларни суғурталаш; корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкларини суғурталаш;*
- *Аҳоли ҳаёти, болалар ва мактаб ўқувчиларини суғурталаш;*
- *Ишчи ва хизматчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш;*
- *Оила аъзоларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва бошқа суғурта турлари.*

Маълумотлар учун «Ўзагросуғурта»нинг барча туманлардаги бўлимларига ёки 133-29-51, 133-34-78 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

МУАССИСЛАР — *Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

Телефонлар: муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб — 133-09-93, ижодий гуруҳлар: агросаноат мажмуи — 136-54-51, ижтимоий ҳаёт ва ҳуқуқ — 136-56-30, молиявий хизмат — 136-56-36, макроиқтисодиёт — 136-56-25, маънавият-маърифат ва спорт — 136-54-51, хатлар ва вилоят мухбирлари билан ишлаш — 136-54-42.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«Қишлоқ ҳаёти» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г—0810, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 22.30. 1 2 3 4 5 6.